

Аёли, онани асраш
дегани — бу
фарзандларни асраш,
охир-оқибатда
миллатни асраш
демакдир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2011-yil 2-fevral, chorshanba № 10 (8347) ISSN 2010-6416



ТУРИЗМГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР

Қадимий, бетакрор тарихий ёдгорликлари билан машҳур қадимий шаҳарларимизга хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши тобора ортомқда. Бу туризм соҳасини ривожлантиришни, ўз навбатида соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тазозо эътаётир.


Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи ҳам ана шу меҳнат бозори талаблари асосида ташкил этилган. Мазкур замонавий ўқув масканида ёшлар туризм ва туристик хизматлар биз-

неси, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан бизнеси ташкилотчиси, банк иши, телекоммуникация каби йўналишларда билим олмоқда.

Соҳага оид тўрт мингдан ортиқ китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 50 ўринли ётоқхона, замонавий усулда жиҳозланган спорт зали коллеж ўқувчилари ихтиёрида.

Суратларда: Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.



СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузасида барча соҳа ва тармоқлар қаторида болалар спортини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Чунончи, 2010 йилнинг ўзида жойларда 72 спорт иншооти, 27 сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилгани, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва усқуналар етказиб берилгани таъкидланди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

СИЗНИ АНГЛАМОҚНИНГ ЎЗИ САОДАТ

Одамзод маънавий дунёқараш шаклланишида гурурланмоқ ҳисси, ибрат намунасининг таъсири жуда катта. Яъни инсон аждодлари амалга оширган улуг ишлардан гурурланар экан, ўзи ҳам муносиб ворис бўлишга интилади. Улардан ибрат олиб эзгулик-ка қўл узатади. Таъбир жоиз бўлса, Ҳазрат Алишер Навоий шахсияти асрлар оша ёшлар тарбиясида ана шундай мактаб вазифасини адо этиб келмоқда. У давлат арбоби ва аллома сифатида бош бўлган хайрли ишлар, давлат ва халқ фаровонлиги йўлидаги оқилона саъй-

ҳаракатлари, мураббий ва устоз бўлиб шоғирдларига кўрсатган ғамхўрликлари, беназир адабий мероси ҳамон жаҳон аҳлининг эътиборини қаратиб келмоқда.

Зотан, муҳтарам Президентимиз «Юсак маънавият—енгилмас куч» китобида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди-га юсак баҳо бериб, қайд этиб ўтганидек, «Агар бу улуг зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير».

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАЖЛАГАНДА:

ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН ШАРЧА

у ўқувчилар билиминини ҳам
фаол ҳаракатга келтиради

3-бет

ҲАРИР МАТОДАГИ ҚОРА ДОГ

ёхуд айрим аёлларимизнинг маънавий
қиефасига соя солаётган иллатлар ҳақида

8—9-бетлар

ИТАЛИЯДА УНИВЕРСИТЕТЛАР ҚИСҚАРАДИ(МИ?)

12-бет

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиши Халқ таълими вазири, ҳайъат мажлиси раиси А.Мараҳимов бошқарди. Йиғилиш кун тартибидagi асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган асосий вазифаларга бағишланди.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид маълумотлар, тегишли фактлар, рақамларни чуқур ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод қалбига сингдириш ва шулардан келиб чиққан ҳолда келгуси вазифаларни белгилаш таълим муассасалари ходимлари зиммасига ҳам алоҳида масъулия юклайди. Зеро, маориф ходимлари таълим бериш жараёнида уни кенг жамоатчиликка, ҳар бир оилга етказишда ҳам асо-

лар асосида Ҳайъат йиғилиши қарор қабул қилди.

Президентимизнинг маърузасининг жойларда янада чуқур ўрганилишини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги мультимедиа маркази томонидан тайёрланган маърузанинг электрон шакли ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари раҳбарлари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорлари ҳамда тизимда-

АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

сий ўрин тутди. Президентимиз маърузасида таъкидлаганидек, 2010 йилда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва шулардан келиб чиққан мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500та касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300тадан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72та спорт иншооти, 27та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўғрақларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўтган йилда фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда олтинта мусика ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида 46та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан Навоий давлат педагогика институти ректори, сенатор Х.Ибрагимов, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э.Худойназаров, Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаров, вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Дониёров мамлакатимиз Президентини маърузасидан келиб чиқадиغان вазифалар бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди ва шу-

ги республика ташкилотлари раҳбарларига тарқатилди.

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб таълим мазмунини такомиллаштириш мақсадида йўлга қўйилган бир қатор янгиликлар таълим самарасини ошириш, ўқитувчиларни ортиқча ҳисоботлар, қўғозбозликлардан озод этиш ҳисобида ўқувчи билан кўпроқ ишлаш имкониятини яратмоқда. Шунингдек, йиғилишда маърузадан келиб чиққан ҳолда, ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "Электрон таълим" миллий тармоғини барпо этиш ишларини поёнига етказиш вазифаси галдаги муҳим ишлардан бири эканлиги таъкидланди.

Таълим тизимидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш борасидаги яна бир қадам сифатида, кенг жаматчилик, жумладан ота-оналарнинг ёшлар таълим-тарбияси йўлида ҳамкорлигини, фаоллигини таъминлаш мақсадида олий ўқув yurtлари профессор-ўқитувчиларининг умумтаълим мактабларида ҳам ўқимчи дars беришларини кенг йўлга қўйиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек, халқ таълими тизимида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва умумтаълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш механизмини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар тўғрисидаги, таълим муассасаларида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича 2010 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2011 йилдаги асосий вазифалар тўғрисидаги, янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган мусика ва санъат мактабларида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ҳамда уларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳолати тўғрисидаги масалалар ҳам танқидий муҳокама қилинди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати бошлиғи

ЖАРАЁН ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИШИ ЗАРУР

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси айна пайтда мамлакатимизнинг барча ўқув yurtларида кенг ўрганилмоқда. Жумладан, Андижон вилоятидаги Жалакудук педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори, вилоят Кенгаши депутати Илтижонова Бурхонава маъруза юзасидан қўйидаги фикрларни билдирди:

— Давлатимиз раҳбарининг маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим. Тўғриси, унда мамлакатимиз равнақи, халқимиз, хусусан, ёшлар келажаги қуюнчақликни сездим. Давлатимиз раҳбари янги иш ўринлари яратиш, банд бўлмаган аҳоли вакиллари, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Маърузада коллежлар фаолиятидаги заиф бўғинлар сифатида эътироф этилган уч масалага алоҳида эътибор қаратилди. Мен уларнинг ечими ҳақида ўз фикрларимни билдирмоқчи эдим.

9-синф битирувчилари касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишни назарда тутган ҳолда уларни ўқишга қабул қилишни тегишли тартибга солиш масаласи бўйича ечимни меҳнат бозорини ўрганиш орқали топиш мумкин. Бунинг учун ҳудудлардаги касб-хунар эҳтиёжлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнларини ташкил этиш керак. Касб-хунар коллежларига ўқувчилар қабули ана шу жараён таҳлиллдан келиб чиқиб амалга оширилиши муҳимдир.

Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласи энг оғирлиқ нуқталардан бири ҳисобланади. Энг асосийси, олий ўқув yurtларида бўлгуси педагогларнинг назарий билимлари амалиёт билан етарлича богланишини ташкил этиш керак. Шунингдек, методика, амалий педагогика ва психология фанлари бўйича ўқув соатларини кўпайтириш жоиз. Қолаверса, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари малакасини оширишга педагоглар эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда ёндашилса, яхши бўларди. Ҳамма учун бир хил дастурлар асосида иш олиб бориш билим ва амалиёт тажрибасини ўрганишни чеклаб қўяётганидан ҳам кўзи юмиб бўлмайди.

Касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқарган битирувчиларни ишга жойлаштириш уларни тайёрлаш сифати ва меҳнат бозорини қанчалик чуқур ўрганишга боглиқ экани маърузада тўғри таъкидланди. Бу хусусда бошланғич таълим йўналиши бўйича битирувчиларнинг таълим муассасаларига ишга жойлаштирили катта муаммо касб таётганини мисол сифатида келтиришнинг ўзи киёф. Чунки кўпчилик коллежларда шу йўналишларда ўқитилади. Бироқ, ўқувчи билимининг сифати эсдан чиқади. Шу тарика, меҳнат бозорига рақобат қувватига эга бўлмаган кичик мутахассис чиқарилади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатимиз раҳбари томонидан бу борда айтилган фикрлар бугунги куннинг долзарб масаласидир.

О.СИДИҚОВ
ёзиб олди.

СИЗНИ АНГЛАМОҚНИНГ ЎЗИ САОДАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республика Халқ таълими вазири, Республика Таълим маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда жам бўлганлар ҳам улуг сиймо, унинг бебаҳо ада-

бий мероси хусусида сўз юритдилар.

— Алишер Навоий ижодида бирор заиф ёхуд ўртача яратилган асарларга дуч келмайсиз, — деди, жумладан, ўз сўзида Ўзбекистон Миллий университети профессори Умарали Норматов. — У катта дostonларга хос мавзулар, хулосаларни байтларига жо этадики, ўқиб ҳайратингиз ошади. Дейлик, «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...» мисрасига эътибор қаратай-

лик. Ҳақиқатан ҳам, инсон ўзи ўзини тушунмаса, қадрига етмаса, уни бошқалар қандай англамоғи мумкин? Улуғ бобомизнинг нафақат асарлари, ўзи, қахрамонлари ҳам халқимизга шу қадар яқинки, дeр-ли ҳар бир оилда учрагучи, Алишер, Фарҳод, Ширин исмлириёқ Навоийга бўлган элимизнинг ҳурмати, ихлосидан далolat бeради.

— Сўз санъаткорининг оламга, одамга қарашларидаги бeтақрорлик, кузатишлари ва бу кузатиш-

ларнинг ифодасидаги нафислик унинг замондошлари таъкидлаганидек, табиатидаги нафислик ва назокатнинг маҳсулидир, — дея тўхталиб ўтди «Навоий ҳаёти — намуна мактаби» мавзусида чиқиш қилар экан, филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев. — Адабиёт муаллимлари аллома меросининг ёш авлод камолоти йўлида хизмат қилишига ҳисса қўшаётганлари ҳам бир саодатдир.

О.ОЧИЛОВА

Ehtiom

Хар бир фан бизнинг кундалик эҳтиёжларимиз учун керакли билимларни беради ва тажрибаларимизни бойитиш баробарида олам, ундаги ҳодисалар билан таништириб боради. Бунда, айниқса, табиий фанларнинг аҳамияти катта. Ушбу фанларни ўзлаштиришда эса назарий билимлар амалий машғулотларда мустақамланмаса, ўзлаштириш самарадорлиги талаб даражасида бўлмаслиги, табиий.

Замон ўзгариб, фан-техниканинг тараққий этиши ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришида ҳам катта қулайликлар яратмоқда. Жумладан, мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-лаборатория хоналарининг замонавий жиҳоз ва асбоб-анжомлар билан таъминланиши ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам қувонарли. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яратилган бу имкониятдан ўз ўрнида фойдалана билиш — фандан олган назарий билимларни амалий машғулотларда мустақамлаш, ўқув-лаборатория жиҳозлари билан мустақил ишлай олиш, уларни кўз қорачигидай асраш ҳам аслида илмдир.

Шу нуқтаи назардан, газетада "О'қув-лаборатория хонасида" рукнини ташкил этдик. Бу мамлакатимиздаги илғор ва тажрибали кимё, биология, физика ва география фани ўқитувчиларининг ўқув-лаборатория хонасида олиб бораётган лаборатория ишлари ва амалий машғулотларини бошқа ўқитувчилар билан ўртоқлашиш, тажрибаларни кенг микёсда оммалаштириш имконини беради.

Diqqat, yangi rukn: O'quv-laboratoriya xonasida

Ўқувчи таҳлил қилади, хулоса чиқаради

натижа 139 см., шу билан бир пайтда новнинг юқори учидан қўйиб юборилган шарча новнинг қуйи учиданги цилиндрга бориб урилгунга қадар ўтган вақт секундмер ёрдамида ўлчанди: 4 секунд. Фарида шарчанинг ҳар галги ҳаракат вақтини жадвалга қайд этиб борди ва олинган натижаларни формула асосида ҳисоблади. Унга кўра, мазкур формула ёрдамида ўртача тезланишни ҳисоблаб, натижалар жадвалга белгиланди. Аниқ-

Хар бир ўрганилган янги билимнинг эсда сақланиб қолиши учун олинган маълумотларни такрор қилиш ёки унга ижодий ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бугунги амалий машғулотнинг янада мустақамланиши учун ўқувчилар таҳлил ва хулосаларини ўқиб бердилар.

Баҳодир: — Текис тезланувчан ҳаракатда жисмнинг

ҲАРАКАТЛАНАЁТГАН ШАРЧА

у ўқувчилар билимини ҳам фаол ҳаракатга келтиради



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган Давлат умумтаълим мактаби ҳам Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 60 миллион сўмликдан ортиқ замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Биз 7-синф ўқувчиларининг навбатдаги амалий машғулотини кузатиш учун физика ўқув-лаборатория хонасидамыз.

Ихтирочиликка рағбат дарсда уйғонади...

Муайян мақсадга йўналтирилган ҳар бир машғулот ўқувчилар билим самарадорлигини оширишга хизмат қилишини ҳис қилган фан ўқитувчисининг тайёргарлиги ҳам шунга яраша бўлади. Ўн етти йиллик тажрибага эга ўқитувчи Моҳидил Йўлдошевнинг таъкидлашича, бугунги амалий машғулотдан кўзланган таълимий мақсад: қия новдан думалаб тушаётган шарчанинг тезланишини ўрганиш; қия новдан думалаб тушаётган шарчанинг босиб ўтган йўли ва ҳаракат вақтини ўлчаш орқали текис тезланувчан ҳаракат қилаётган жисм тезланишини аниқлаш малакасини эгаллаш; лаборатория синовлари натижаларини таҳлил этган ҳолда жадвални тўлдирish кўникмасини шакллантиришдан иборат. Шу билан бир қаторда амалий ишни бажариш асосида ўқувчиларда воқеаларни илмий нуқтаи назардан кузатиш кўникмаси пайдо бўлади ва ихтирочиликка рағбат уйғонади, тафаккур ва мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Физика хонасининг ўзида олти кичик лаборатория бурчаги ташкил қилинган. Уларнинг ҳар бирида пўлат шарча, металл нов, штатив, ўлчов тасмаси каби лаборатория жиҳозлари турибди. Доскага бугунги дарснинг тахминий тақсимоти ёзиб қўйилган. Унга кўра, дарс жараёни 5 қисмга бўлиниб, ташкилий қисм учун 5 дақиқа, назарий билимларни такрорлаш учун 6 дақиқа, амалий машғулот учун 25 дақиқа, натижаларни жадвалга ёзиш ва таҳлил қилиш учун 5 дақиқа ва уйга топширик бериш учун 4 дақиқа ажратилиши режалаштирилган.

Иш қуролинг соз бўлса...

30 нафар ўғил-қиз дарс аввалида бугун ўрганишлари лозим бўлган янги амалий ишни лаборатория жиҳозларига қараб сездилар чоғи баҳсга киришиб кетдилар.

Дарс бошланишига қўнғироқ чалиниб, синф тинчланди.

Ўқитувчи: — Билимдон ва зукко ўқувчилар! Бугун сизлар билан "Текис тезланувчан ҳаракатланаётган жисм тезланишини аниқлаш" мавзусида амалий иш бажарамиз. Ишни ҳар биримиз тўлақонли бажаришимиз учун олтига гуруҳга бўлиниб оламиз. Керакли жиҳозлар — металл нов, пўлат шар, штатив, металл цилиндр, ўлчов тасмаси, секундмер, слайд, кадаскоп каби жиҳозлар машғулотни бошлашимиз учун шай турибди. Бугунги амалий машғулотни бажариш жараёнида орангиздан 2 нафар фаол ўқувчи менга ёрдам

бериши керак. Биринчи навбатда шу иккала ўқувчини танлаб олсак.

Дилноза ва Фарида ўқитувчига ёрдам берадиган бўлишди.

Ўқитувчи: — Машғулотни бажаришга киришишдан аввал мазкур мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларимизни текшириб оламиз.

Қуйидаги саволлар бўйича ўқувчиларнинг билими синовдан ўтказилди:

1-савол: Механиканинг кинематика бўлими нимани ўрганади?

2-савол: Ҳаракатнинг қандай турларини биласиз?

3-савол: Текис тезланувчан ҳаракат деб нимага айтилади?

4-савол: Текис тезланувчан ҳаракатда йўл формуласини ёзинг.

5-савол: Тезланиш деб нимага айтилади?

Ўқитувчи: — Мана, билимларимизни мустақамлаб олдик. Энди ишни бажаришга киришсак ҳам бўлади. Буни Дилноза ва Фарида билан биргаликда кўрсатиб берамиз. Кейин ҳар бирингиз ўз гуруҳингиз билан такрорлайсиз ва мустақамлайсиз.

Дилноза ва Фарида ўқитувчининг ёрдамида металл новни штативга ўрнатиш билан ишни бошлашди. Кейин металл цилиндрни новнинг қуйи учига жойлаштирдилар. Энди навбат новнинг узунлигини ўлчашга:

ланган бу қиймат қия новдан думалаб тушаётган шарчанинг тезланишини ифода қилади. Ушбу тажриба новнинг қиялиги уч хил бўлган ҳолатда такрорланди. Абсолют ва нисбий хатоликлар аниқланиб, натижалар таҳлил қилинди.

Дилноза ва Фарида ўқитувчи айтган кетма-кетликда ишни амалда кўрсатишди. Энди қолган кичик гуруҳлар ҳам ишни бажаришлари керак. Ўқитувчи ўқувчиларга техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишни, эҳтиётсизлик қилиб бу қойдани бузган ўқувчининг гуруҳига жарима карточкаси берилишини машғулот давомида эслатиб турди. Гуруҳлар ишни тартибли ҳамда ўз билим ва кўникмаларидан келиб чиқиб бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда гуруҳлардан бирининг ишини кузатамиз.

Азизбек гуруҳдаги болалар билан биргаликда ишни бошлади. Ишнинг кетма-кетлигини дафтарга қайд этиб борган Миржалол Азизбекка ишнинг тартибини эслатиб турди. Баҳодир эса ҳисоблаш ишларини олиб борди. Ҳамжихатликда барча ўқувчилар ўрин алмашиб, бугунги амалий машғулот тўғрисида тажрибага эга бўлдилар. Қолган гуруҳлар ҳам ана шу тартибда машғулотни бажаришди.

тезланиши вақт бирлиги мобайнида босиб ўтилган йўлга боғлиқ экан.

Жаҳонгир: — Агарда биз қия металл новни қанча баландга кўтарсак, шарчанинг тезланиши ошиб боради ва нов 90 градус қияликка етгач, шарчанинг тезланиши эркин тушиш тезланишига етади.

Ҳафиза: — Ушбу лаборатория ишидан мақсад — қия новдан думалаб тушаётган металл шарчанинг тезланишини ўлчаш эди. Биз шундай хулосага келдик: штатив қанча кўтарилса, вақт шунча камаяр экан.

Ўқитувчи: — Баракалла, бугунги амалий машғулотни ҳар бир гуруҳ бажаришга ҳаракат қилди ва техника хавфсизлигига риоя этди. Энди мавзудан келиб чиқиб уйга вазифаларни ёзиб олсак:

Биринчи навбатда бугунги амалий машғулотга юзасидан ҳисобот тайёрлайсиз ва ушбу саволларга жавоб ёзасиз:

1. Бугунги лаборатория ишини бажариш учун қандай жиҳозлар қўлланилди? Улардан қай мақсадда фойдаланилди?

2. Тезланиш қайси формула ёрдамида аниқланади?

3. Новнинг қиялиги ошганда тезланишнинг ҳам қиймати нега ошиб боришини изоҳланг.

4. Нов горизонтал ҳолатда бўлганда тезланиш қандай бўлади?

Дарсни Башорат ОТАЖОНОВА кузатди.

ХАЛКИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН МЕХМОНДУСТ, БАФРИКЕНГЛИК ТУЙГУЛАРИНИ ҚАЛБИДА ЖО ҚИЛГАН МИЛЛАТДИР. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЮРТИМИЗДА КЎПЛАБ ЭЛЧИХОНАЛАР ОЧИЛИШИ, ДЎСТЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ БУНИНГ ЁРКИН ДАЛИЛИДИР.

Ана шундай жамиятлардан бири «Ўзбекистон — Туркменистон» дўстлик жамиятининг ўтган йилдаги фаолият натижалари юзасидан Халқ таълими вазирлигида мажлис бўлиб ўтди. Унда жамият аъзолари иштирок этди.

Тадбирни «Ўзбекистон—Туркменистон» дўстлик жамияти раиси, Халқ таълими вазири А.Мараҳимов олиб борди. У Президентимиз

Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» деб номланган маърузаси юзасидан фикр билдириб, унда келтириб ўтилган улкан ютуқлар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакилларида фахрифтихор туйғуларини уйғотишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон — Туркменистон» дўстлик жамияти томонидан 2010 йилда амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди, жорий йилда амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

МУХБИРИМИЗ

АНДИЖОН МАИШИЙ ХИЗМАТ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА «ЁШ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР» МАВЗУСИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Битирувчи ўқувчиларга «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят бошқаруви мутахассислари, статистика ва солиқ идоралари вакиллари тадбиркорлик ва кредит соҳасидаги ислохотлар ҳамда имтиёзлар тўғрисида тушунча бердилар. Очiq мулоқот тарзида ўтган мазкур тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналари ва битирувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Семинар якунида Савдо-саноат палатаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тадбир иштирокчиларига бизнесни ташкил этиш ва бошқариш услубига бағишланган адабиётлар тақдим этилди.

МУХБИРИМИЗ



ХАМЗА ТУМАНИДАГИ 166-МАКТАБДА ТАЪЛИМ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СИНФЛАРДА ЎЗБЕК ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ «УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ ФАОЛИЯТИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ШАҲАР СЕМИНАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда «Устоз-шогирд мактаби» тизимида фаолият олиб бораётган устоз ва шогирд ўқитувчилар, Тошкент шаҳар малака ошириш институтининг тил ва адабиёт кафедраси мутахассислари, туман халқ таълими бўлими методистлари ҳамда тажрибали педагоглар иштирок этди. Тадбир давомида дастлаб 166-мактабда фаолият кўрсатаётган беш нафар ўқитувчи 45 дақиқа давомида семинар қатнашчилари эътиборига «Дарс босқичларида интерфаол усуллардан фойдаланиш» тренинг-дарсини намойиш этди. Улар бешта асосий қисмдан иборат дарснинг қайси бўлимида қандай интерфаол усуллардан фойдаланиш самара келтириши, ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш ва улар билан ишлаш юзасидан тажрибаларини йиғилганлар билан ўртоқлашиб, айрим педагогик технологияларга алоҳида тўхталдилар.

Бир неча йиллардан буён Тошкент шаҳар малака ошириш институти мутахассислари томонидан малака ошириб қайтган педагогларнинг кейинги фаолиятини ўрганиб, курс самарадорлигини аниқлаб бориш йўлга қўйилган. Бугунги семинардан қўзланган асосий мақсад ҳам мазкур мактабда фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг малака ошириш давомида олган билимларини таълим жараёнида қандай қўллаётганини ўрганишдан иборат, — дейди тил ва адабиёт кафедраси мудири Гулнора Муҳаммадзонова.

Семинар якунида «Устоз-шогирд мактаби» ҳамда 166-мактабининг таълим рус тилида олиб бориладиган синфларида ўзбек тили фанидан сабоқ берувчи устоз ўқитувчи Дилдора Эгамбердиева «Устоз-шогирд мактаби» тизимида олиб борилётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Санжар РУСТАМОВ, «Ma'rifat» мухбири

НАВОЙИ ШАҲРИДАГИ «МЕХРИБОНЛИК УЙИ» ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ГАМХЎРЛИГИ, МЕХРИБОНЛИГИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШ ВОЯГА ЕТИШМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ВИЛОЯТДАГИ ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМ УЛАРИНИНГ КЎНГЛИНИ ШОД ЭТИШ, ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ХАЙРЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Қишнинг совуқ кунларида болажонларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида шаҳардаги «Хўжай жаҳон» дорихонаси, «Гибёх» хусусий қорхоналари томонидан доридармонлар етказиб берилган бўлса, вилоят давлат санитария эпидемиология назорати маркази ҳисобидан эмлаш учун вакциналар ажратилди. Шунингдек, яқиндагина қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, «Қизилқумцемент» — ОАЖ, шаҳар ҳокимлиги ва «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими мутасаддилари ҳам тарбияланувчилар ҳолидан хабар олиб, турли кеча ва тадбирлар ташкил этишиб соғва-саломлар улашишди.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

БУГУН УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ КИМЁ, БИОЛОГИЯ ВА ФИЗИКА ХОНАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК? ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА? ИШЛАТИШ ЖАРАЁНИДА ЭСКИРГАН ВА БУЗИЛГАН БУЮМЛАР ҲАМДА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ҲИСОБДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАРИЛАДИ? ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАСИДАГИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАРИНИ ИШЛАТИЛИШИ БЎЙИЧА ДАЛОЛАТНОМА ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ? ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ ОЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармасининг вилоят ПҚКТМОИ ва Гулистон шаҳридаги 12-, 16-мактабларнинг тажрибали физика, кимё-биология ўқитувчилари ҳамда лаборантлардан иборат амалий ёрдам гуруҳи туманларда ўтказаятган кўргазмали семинарларда ана шулар ҳақда маълумотлар беришмоқда.

Бундай кўргазмали семинарлар Сардоба туманидаги 6-, Бобўтов туманидаги 40-, Мирзаобод туманидаги 3-, Сайхунобод туманидаги 4- гулистон туманидаги 27-ихтисослашган мактабларда физика, кимё-биология ўқитувчилари ва лаборантлар учун ташкил этилди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ, «Ma'rifat» мухбири

СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сурхондарё вилоятида 2003-2010 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 94 спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 86таси қишлоқ жойларда қад ростлади. 64 мактабда спорт зали, учта сузиш ҳавзаси, ўнта намунавий спорт иншооти, 14 болалар спорт иншооти, учта болалар мусика ва санъат мактаби қурилди. Мазкур иншоотлар 1 миллиард 273 миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозлари ва ускуналар билан таъминланди. Биргина 2010 йилда барпо этилган олти спорт иншоотиغا 194 миллион сўмликдан ортқ спорт анжомлари етказиб берилди.

Вилоятда мажбур спорт иншоотларига 16 минг 895 ўқувчи жалб этилди. Шундан 5 минг 780 нафарини қизлар ташкил этиди. 21 спорт тури бўйича 507 секция ва тўғрақларда шугулланаётган ўғил-қизларга 449 малакали мураббий сабоқ бераётди. Уларнинг 86 нафари аёллардир.

Президентимизнинг 2010 йил 5 майда қабул қилинган «Болалар спортини объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори воҳода мазкур соҳада амалга ошириладиган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётди. Спортнинг оммавийлигини таъминдаш, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари саноҳиятидан самарали фойдаланиш, ўтказилаётган машғулотлар сифатини яхшилаш ҳамда қишлоқ қизларининг спортга қизиқишини оширишга эътибор янада кучайди. Хусусан, қишлоқ жойларда ҳам спортнинг нафис тури — бадий гимнастика бўйича тўғрақлар ортқ қиз спортнинг ана шу тури билан шугулланмоқда. Термиз шаҳри, Денов, Сароисиб ва Жарқўрган туманларидаги бадий гимнастика секцияларига ўн миллион сўмликка яқин анжом ва жиҳозлар олиб берилди.

Халқ таълими вазирлиги

хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилояти филиали директори вазифасини бажарувчи Шухрат Алиқовловнинг айтишича, ўтган йили болалар спортини иншоотларида спорт билан мунтазам шугулланаётган ўқувчиларнинг 812 нафари мамлакат миқёсидаги турли мусобақаларда иштирок этиб, 139 нафари биринчи, 470 нафари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Бу ютуқлар воҳода спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасидир. Шунингдек, болалар спортини иншоотларида воҳодаги машҳур спортчилар, Олимпия ва Осиё Уйинлари, жаҳон чемпионатлари ҳамда бошқа халқаро мусобақалар голиблари, совриндорлари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқларининг йўлга қўйилгани ҳам ёш авлодда спортга интилишини кучайтиришга хизмат қилаётди.

Кейинги йилларда Кумқўрган туманида замонавий 8 спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бел-

гиланган норматив бўйича спорт жиҳозлари ва ускуналар билан таъминланган, барча шартлоғларга эга ушбу иншоотларда спорт билан мунтазам шугулланаётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўтган йили мазкур иншоотларда 561 нафар ўғил-қиз турли спорт тўғрақлари ва секцияларда қатнашган бўлса, жорий йилда уларнинг сафи 1 минг 580 нафарни ташкил этмоқда.

Спорт инсоннинг иродасини мустаҳкамлайди, ютуқ ва талабага ишонч туйғусини кучайтиради, энг муҳими, болалардан спорт билан шугулланган инсон ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Кумқўрган тумани вакили Фахриддин Абдурашулов. — Туманимизда зарур спорт мажмуалари бунёд этилгач, ёшларимиз спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, айқидо, шахмат-шашка, бокс, шарқ яққа кураши, енгил атлетика, бадий гимнастика каби турларига катта қизиқиш билдира бошлади. Айни пай-

тда секция ва тўғрақларда мунтазам шугулланаётган болалар учун барча қулайликлар яратилган.

Иншоотларимиз тасдиқланган метёрларга мувофиқ мураббий кадрлар билан таъминланган бўлиб, улар машғулотларнинг сифат ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётган ёшларимиз сафи кенгайиб бораётди. Масалан, 2009 йили мамлакатимиз ва қўшни давлатларда ўтказилган халқаро мусобақаларда 31 спортчимиз иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 64 нафарга етди. Футболга ихтисослаштирилган 3-мактаб-интернатимиз ўқувчилари мамлакат чемпиони бўлди. Буларнинг барчаси Ўртбосчимиз томонидан ёшларимизга кўрсатилаётган улкан гамхўрлик самараларидандир.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

Фарзанд камолига орзумандлик кишини бунёдкорликка чорлайди. Бу жамият тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Чекка-чекка кишлоқларимиздаги таълим муассасаларининг кўркам, замонавий қиёфа касб этиб боришида, энг муҳими, ўқувчи-ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратиб берилаётган шароитларда ҳам ана шу мақсад-муддога мужассам. Эътиборлики, бу каби эзгу амалларнинг тезда рўёбга чиқишида саховатпеша тadbirkor инсонларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Иш билиш, тadbirkorлик — касб танламайди. Зеро, бугунги замонда конун доирасида олиб бориладиган тadbirkorликка ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Қимирлаган қир эмас, тоғ ҳам ошадиган даврда яшайпмиз.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг тоғли Гуматак кишлоғидаги 53-умумтаълим мактабида қилинаётган ибратли ишлар, қўлга киритилаётган муваффақиятларда, албатта, илм маскани директорининг замон талабларини англаган ҳолда иш тутаётгани асос бўлмоқда. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев бир сўз билан айтганда тadbirkor раҳбар. У илк меҳнат фаолиятини бошлаган 17-мактабда ишлаб юрган кезларида синфхоналар етишмагани боис оила аъзолари ва ҳамкасблари кўмағида 8 та қўшимча хона, шунингдек, устахона ва ошхона куриб, фойдаланишга топширган бўлса, кейинчалик 1993—1996 йиллари оиласи жамғармаси ҳисобига Гуматак кишлоғида 90 ўринли, ҳозирда меҳнат қилаётган 53-мактаб биносини бунёд этишга эришди. 1997 йилда мактаб учун 3 км. узокликдан қувур орқали тоза ичимлик суви олиб келди. Қолаверса, мактабда 24 ўринли ошхона ва 15 ўринли устахона бинолари ҳам ҳашар йўли билан курилиб, дурадгорлик фаолияти йўлга қўйилди. Ҳара-

катда баракат, деганларидек, 2005 йили Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида қад ростлаган 80 ўринли замона-

вилоят ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни олиб келмоқда. Жумладан, меҳнат таълими фани муаллими Б.Абдуллаев «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриктанловининг вилоят босқичида 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида 4-ўринга сазовор бўлди. У.Абдуллаев эса, «Энг яхши психолог» кўриктанловининг вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритди.

Мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари эришаётган муваффақиятлар албатта эътироф этилиб, рағбатлантириб борилади.

— Мактабимизда сармоядан ташқари мabлаг' топилган мактаб устахонаси, боғи ва согин сугирлардан олинаётган сут маҳсулотлари асосий манба-

таб маъмурияти 2010 йил 6—10 ноябрь кунлари 13 нафар ўқитувчи ва ишчиларни Бухоро ҳамда Хива шаҳарларига саёҳатга йўллади. Мактаб касабга уюшмаси раиси Аширгул Норқобилова-нинг ташаббуси билан уюштирилган бу саёҳатдан қайтгач, муаллимлар қадимий шаҳарлардан олган таассуротларини дарсларда ўқувчилар билан ўртоқлашдилар.

Янги йил арафасида кам таъминланган оила фарзандларидан уч нафарига, шунингдек, мактаб рейтингидида 1-ўринда бораётган икки нафар ўқувчига 10000 сўмдан, 1-гурух ногирони бўлган бир

«Mening maktabim — mening faxrim»

Мамлакатимизда муаллимлар сулоласи оз эмас. Аммо Бойсун туманида бундай сулолалар бармоқ билан санарли. Шу саб пешқадами бўлган Рамазон Абдуллаев оиласида тўққиз киши педагог.

— Халқ таълими тизимида иш жойини тез-тез ўзгартириб туриш яхши натижа бермайди, деб ўйлайман, — дейди тadbirkor раҳбар, халқаро Антик академиянинг фахрий доктори Рамазон Абдуллаев. — Яхши парвариш топса, ёш ниҳол ҳам бир жойда тезроқ ўсиб-ўлғаяди, гуллаб, мева беради. Бир жойда узок йиллар меҳнат қилган кишига ўзи ишлаган маскан тобора азиз бўлиб боравераркан. Очиғини айтсам, мен бугун ўз мактабим, ўз жамоам билан фахрланаман. Мактабимиз жамоаси таълим-тарбия жараёнидан ташқари, жорий — «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик

ВОҲАДА УЛАРГА ҲАВАСМАНДЛАР КЎП

вий ўқув биноси Гуматак кишлоғи кўригига чирой кўшиди. Моддий-техник базанинг мустаҳкамланиши таълим-тарбия сифати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатганини ушбу мактаб жамоаси эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Айни пайтда мактабни битирган элликка яқин ўқувчи турли олий таълим муассасалари, академик лицей ва касбхона коллежларида тахсил олмақда. Бу эса мактаб битирувчиларининг ўқишга кириши бўйича кўрсаткичи туманда илгорлар сафида эканини кўрсатиб турибди. Мактаб ўқитувчилари ҳам доимо ўрнат.

лар саналади, — дейди Бойсун туманидаги 53-умумтаълим мактаби раҳбари Рамазон Абдуллаев. — 2008 йили 3,5 млн., 2009 йили қарийб 5 млн. сўм бюджетдан ташқари мabлаг' топган мактаб жамоаси 2010 йилда 6 млн. сўм соф фойда кўрди. Бу мabлаг'лар мактабни жорий таъмирлаш, кам даромадли оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб бериш, ўқувчи ва ўқитувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилмоқда.

— Ўтган йили мактабга қўшимча 48 ўринли 4та бино курилишини бошлаб юборган эдик, — дея давом этади мактаб раҳбари. — Ҳозиргача ушбу курилиш ишларига 4,5 млн. сўм сарфланди. Насиб этса, бу ишларни шу йилнинг 1 июлигача тугатиб, биноларни жиҳозлаб, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги айёмида фойдаланишга топширамиз.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш кераклигини англаган мактаб жамоаси 2008 йилда бюджетдан ташқари топилган мabлаг' эвазига кишлоқни ободонлаштириш учун қарийб 2,5 млн. сўм сарфлаб, аҳоли дуосини олди.

Рағбат — инсонни янги марралар сари чорлаши, шубҳасиз. Яхши дам — меҳнатга ҳамдамлигини инobatта олган мак-



ўқувчига 18000 сўм, синфлар бўйича илгор етти ўқувчига 6000 сўмдан ва уларнинг ҳар бирига янги йил совғаси тухфа этилди. Қолаверса, даромад эвазига мактаб кутубхонасига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг барча томи харид қилинди. Дурадгорлик устахонаси ва мактаб олмасор боғини янада кенгайтириш бўйича ишлар олиб борилмақда. Хусусан, юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, мактабнинг ҳар бир аъзоси 20 туздан кўчат ўтказишди.

йили»да ҳам дурадгорлик устахонасида уй-рўзгор буюмлари ясаб, кишлоқ ахлига сотиш, боғдан мўл ҳосил олиш учун уларни парваришлаш ишларини бошлаб юборишган.

45 йилдан ортиқ педагогик тажрибага эга муаллимнинг энг катта ютуғи — мактабда яхши ўқиш, яхши ишлаш учун соғлом рақобатни юзага келтириш ишлар олиб борилмақда. Ушбу рақобат эса юксалишларга сабаб бўлаверади.

Шерали НИШОНОВ,
Халқ таълими аълочиси



Ҳар қандай буюм энг аввал чизмада тасвирланиб, ҳисоб-китоб ишлари тўла амалга оширилгандан сўнггина тайёрлана бошлайди. Фазовий тасаввур, дунёқарашни кенг ўқувчилар чизма ҳолидаги предметнинг асида қандай кўриниш касб этишини тўла англаб етади. Шу маънода чизмачилик фани ҳам ўқувчилар билими ва дунёқарашини ўстиришда муҳим. Ушбу фан орқали ўқувчи-ёшлар чизмалар чизиш ва уларни ўқишни ўрганадилар. Чизмаларни ўқиш улардаги тасвирларни тўла тушуниб етиш дeмакдир. Чизмачилик фани орқали ўрганилаётган ҳар бир чизма халқаро график тил сифатида қадри.


27 йиллик иш тажрибамга асосланиб ўқувчиларга техник расм чиздириш, ўзгартишлар киритиш орқали уларнинг фазовий тасаввурини янада кенгайтириш юзасидан

ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР АСОСИ

айрим ишларни амалга оширдим. Унга кўра, дарсларда кўпроқ ўқувчиларни техник расм билан ишлашга ундайман. Улар буни аввало каттакчали қоғозга чизиб ўрганишади.

Маълумки, техник расм кўз билан чамалаб, аксонометрик проекциялаш қондаларига амал қилинган ҳолда қўлда чизилиши лозим.

Аммо ўқувчилар каттакчалар ёрдамида техник расм чизишни бошласалар дастлабки кўникмаларни осонгина эгаллайдилар. Дарслиқда келтирилганидан фарқли равишда изометрик проекция ўқларининг тасви-



Sinab ko'ring



рини 2,3 даражага ўзгартириб, улар йўналишини каттакчалар бурчакларига мослаштирилди (1-расм). Бунда ўқувчи каттакчани нукталаридан фойдаланиб техник расмни осонгина тасвирлай олади.

Бу усулда чизилган техник расмининг яна бир қўлай томони шундаки, ўқувчилар шаклнинг бир-икки қисмини олиб ташлашлари ёки уларга хоҳлаганча ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Ушбу ижодий иш ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашлари шўба йиғилишларида муҳокама қилиниб, туман миқёсида омалаштиришга тавсия қилинди. Унда таъкидланганидек, техник расмлар ишлашда ўқлар оралиғи ёки қиялиги 2,3 даража четта чиқши унинг аниқлигига катта таъсир кўрсатмайди. Ўқувчилар ушбу усул орқали аниқ нукталар ёрдамида техник расм ишлашда қийналмайдилар.

Саодатхон МАРАҲИМОВА,
Буйдага туманидаги
6-мактабнинг чизмачилик
фани ўқитувчиси

БЕБАҲО МЕРОС

Тинч ва осойишта юртимизда халқимиз севиб байрам қиладиган улғ айёмлар ва кунлар кўп. Улар орасида миллий ва умуминсоний тараққиёт тамаддунига катта ҳисса қўшган донишманд аждодларимизнинг таваллуд саналари алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга.

Жорий йилда юртимиз аҳли Алишер Навоий ҳазратларининг 570 йиллигини нишонлайди. Айни кунларда Навоийонлик кечалари чинакам маънавий-маърифий анжуманлар, назм ва наво тадбирлари сифатида ўтказилаётир. У зотнинг ибратли ҳаёт йўли, мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлидаги хайрли ишлари, қолдирган бой маънавий мероси яна бир бор ёдга олиниб, хотирасига муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиляпти. Бу бежиз эмас, Навоий бобомиз билан ҳар қанча фахрлансак, унинг битмас-туганмас маънолар маҳзани бўлган асарларини ўқиб-ўргансак, шунча оз. Истиқлол йилларида Навоий шахсияти ва ижодини ўрганиш жамиятимиз маънавий янгиланишининг узвий бўлаги деб қаралаётганлигида ҳам катта маъно бор.

Алишер Навоий инсонларни ўзлари яшаб турган жамиятнинг ҳар бир аъзосига яхшилик қилишга қорлайди, феълӣ, хатти-ҳаракатлари ва тили билан ўзгаларга озор бериш, кўнгилни ранжитишдан қайтарди.

«Хайратул-аброр» дostonида.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам, Ким қиладурсен ани ўзинга ҳам.

дейиш билан, қилинган ёмонликка албатта, эл-юрт тегишли баҳони бериши, оқибатда эса унинг азиятидан

ёмонлик қилғувчининг ўзи ҳам озор чекиши мумкинлигини таъкидлайди.

Мутафаккир бобомиз ижодининг биз учун яна бир ибратли жиҳати, унинг асарларида ҳаётӣй ҳақиқат, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга фойдали бўлиши, умрининг мазмунли ва мамнунликда ўтиши учун, албатта, илм ёки касб-хунар эгаси бўлиши лозимлиги қайта-қайта ўқтирилади. Инсон умрининг моҳияти ҳалол ва фойдали меҳнатда деб билади:

Navoiyni anglash — saodat

Йўқ хунари ёлғиз эса бир киши, Қайда киши сониде ёлғиз киши.

«Фарҳод ва Ширин» дostonи қаҳрамони Фарҳоднинг илм олишга бўлган қобилияти, интилиши ва кунтини таърифлаш билан эса, гўёки уни биз ёшларга ибрат сифатида кўрсатади:

Агар бир қатла кўрди сабоқни, Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни, Не сўзиким, ўқиб кўнгилга ёзиҳ, Дема кўнгилки, жаҳон лавҳига қозиб.

Илм олишга муҳаббат Навоий орзу қилган инсон маънавий камолотининг муҳим босқичидир десак, хато бўлмайди. Бобомиз тил бойлигидан тўғри фойдаланиш, муомалада ширинсухан бўлиш, тил билан бошқаларга озор бермаслик каби фазилатларни улғулаб, тилнинг инсон ўзлиги ва маънавиятидаги ўрнини шундай баҳолайди:

Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз, Сўз билан ҳайвондин анга имтиёз

Навоий даҳрси нафақат халқимизга, балки бутун башариётга дахлдордир. Унинг асарлари дунёнинг турли тилларига таржима қилиниб, асарлар оша маърифатпарвар кишиларни ҳайратга солиб, илҳомлантириб келмоқда. Навоийнинг буюк қарашлари ва фикрлари у орзу қурган адолатли жамият ва шу жамиятга мос комил инсон гоёси атрофида умумлашади, десак тўғри бўлади.


Истиқлолнинг илк йилларидаёқ маънавиятимиз кўеши бўлган навоий тимсолининг Ўзбекистон Миллий боғи тўрига ўрнатилиб, ҳайкал тепасидаги тумбазга:

Олам аҳли билингизким иш эмас душманлиг, Ёр ўлунг бир-бирингизга ки ёрлиг иш.

деб ёзиб қўйилган. Ҳикматининг уч тилда битилганлиги ҳам бежиз эмас. Бобомиз юзида нур билан жаҳон узра назар ташлаб, дунё ахлин тинчлик-тотувлик, дўстлик ва ҳамкорликка қорлаётгандай кўринади.

Дарҳақиқат, бугун бобомиз орзу қилган адолат туғи сарбаланд, инсон қадрӣ азиз, маърифат нури чароғон бўлган мустақил диёримизда, биз ёш авлодга унинг азиз хотирасини муносиб эҳтиром билан ёдга олиш, асарларидаги эзгу гоёларини ҳаётимиз тамойилларига айлантириш чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Навоий даҳоси ва мероси том маънода чексиз ибрат ва илҳом манбаидир.

Рашидбек НОРКУЛОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси



Бола тарбиясида ота-онанинг ўрни қандай? Фарзандларимизнинг кийиниш маданиятига эътибор бераёلمизми? Ўқувчи-ёшлар ўртасида юкумли касалликлар профилактикаси бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Пойтахтимиздаги 20-мактабда бўлиб ўтган ота-оналар йиғилишида шу каби саволлар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Тадбирда илм масканининг ўқитувчию ўқувчилари ва ота-оналар билан бирга маҳалла фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишга меҳмон сифатида тақлиф этилган ЎзМУ доценти Омонулла Мадаев ёшлар тарбияси, унда маҳалла аҳли ва ота-оналарнинг ўрни хусусида ҳаётӣй мисоллар билан ўз фикрларини баён этди ва йиғилганларнинг ушбу мавзулар бўйича қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берди.

МУХБИРИМИЗ Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



КИМЁВИЙ КЕЧА

ўқувчиларнинг фанга қизиқишларини ошириди

Ўқувчи-ёшларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириши, дарсларни ноъанъанавий ташкил этиш мақсадида 9-синф ўқувчилари иштирокида кимёвий кеча ташкил этдик. «Кимё кўҳна ва замонавий фан» мавзусида уюштирилган кечада ўқувчиларнинг ушбу фанга оид билимларини юксалтириши асосий мақсад қилиб олдик. Асосий эътибор кимё фанининг жамиятда, саноатда тугган ўрнига қаратилди.

Тадбир 3та шарт асосида ташкил этилди. Ўқувчиларнинг «Элементларни топши», «Блиц-савол-жавоб» ва «Лаборатория машғулоти» каби шартларни бажариши учун тўлик жиҳозланган кимё синфхонаси танланди. Ўқувчилар томонидан бажарилган ишлар мактабнинг кимё ва биология ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Танловда иштирок этган 3та жамоага унчадан савол ёзилган 3та карточка тақдим этилди.

Саволлар шеърӣй тарзда тузилди:
1-савол — Рангим қора боксангиз, Қизараман ёксангиз. (Кўмир)
2-савол — Тарқалган жойи унинг, Ҳаво, қум ҳам тупроқдир. Сувда масса улуши, Ҳаммасидан кўпроқдир. (Кислород)
3-савол — Оксидланмас ҳавода, Рангсиз, таъмсиз ва ҳидсиз. Ҳаводир унга мақон, Дарлар уни яроқсиз. (N2 Азот гази)

Гуруҳлар саволларга жавоб топгунларига қадар (10 дақиқа вақт берилди) ижодкор ўқувчилар томонидан тайёрланган мусиқий чиқиш намойиш этилди. Навбатдаги тезкор савол-жавоб шартида ўқитувчи томонидан фанга оид энг қизиқарли саволлар танланади:

Қайси металл билан хат ёзиш мумкин? (Кўргошин)
Кўёш, ой ва ер орасидаги масофа қачон бир неча см.ни ташкил этади? (Даврий системада)

Ўсимликлар қайси металсиз яшил тусда бўла олмайдими? (Магний)...

Шу ва шу каби саволларга тўғри ва тез жавоб берган жамоа рағбат карточкаси билан баҳолаб борилди. Учинчи шартда ҳар бир гуруҳга биттадан лаборатория ишини бажариш вазифа сифатида берилди.

1-гуруҳ ўқувчилари стол устида вулкон ҳосил қилиш;
2-гуруҳ ўқувчилари водороднинг олинишини кўрсатиш;

3-гуруҳ ўқувчилари кислороднинг олинишини кўрсатиб беришди. Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъатининг қарорига қўра голиб жамоа аниқланди ва фахрий ёрлик, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилноза САЙДАРОВА, Куйи Чирчик туманидаги 19-мактаб кимё фани ўқитувчиси

Фарзандларимизнинг илк қадамларидан қанчалик қувонганим, шу билан бирга юрагимни аллақандай таъшишлар чулғгани, уларнинг мустақил ҳаётга кириб бориши мени қанчалик хавотирга солгани кечагидек эсимда. Тажрибасизлик қилиб йўл қўйган хатоларим, озми-кўпми, фарзандларим ҳаётида ўз аксини топаётгани — муболага эмас. Бугун неваҳаракатлардан иборат бўлади. **Tarbiya — saodat**

Бола ўз олдидан юмалаб ўтган коптокнинг юмалоқлиги ҳамда нега юмалаб кетганини ҳам ҳали идрок эта олмайдими. Коптокнинг копток эканини биз — катталар биламиз. Ўрнидан туриб, ушлаб кўрай деса, атрофдагилар унинг «ийқилиб кетиши»дан кўрқиб, коптокни унга ўзлари

қўмак бермасангиз, унинг лугат бойлигида янги сўзларнинг пайдо бўлишига умид қилиш фойдасиз. Бола ривожланишининг мана шу босқичида унинг қиз ёки ўғил болаларга хос хусусиятлари намён бўлиб боради. Физиологик жиҳатдан олганда, қиз бо-

БОЛАГА ИМЖОН БЕРИШ

рамнинг атак-чечак қадамлари кўриб, «ушланг, йиқилиб кетади» дея хавотирга тушаётган ўлим тимсолида ўзимни кўргандек бўлам. Болаларимда ҳам инсон тарбиясидаги минг-йиллик тажрибанинг такрорланаётганини кузатиш менга қизиқ ва завқли кўринмоқда.

Илк қадамлар билан ҳаётга қираётган бола психологиясига келсак, у ҳақда ёзишга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқдек кўринади. Чунки бу даврдаги бола психологияси асосан ўриндан туриш, атрофдаги бирор буюмга қараб талпиниш, уни ушлаб кўриш, оғизга солиш, гижимлаш каби хатти-

олиб келиб бера қолишди ва болани борлиқни мустақил идрок этиш имкониятидан маҳрум қилишади. Коптокнинг коптокчилигини ва унга алоқадор бошқа маълумотларни болага ўргатиб бориш, кейинроқ бу коптокчи чини идишлар ёки деразага қараб улқотириш мумкин эмаслигини тушунтириш вазифамиз бўлиб қолиши керак.

Бир-икки ёш оралигидаги боланинг лугат бойлиги атрофдагиларнинг у билан қанчалик фаол ишлашига қараб, 60-100та сўздан ошмайди. Мана шу даврда фарзандингиз билан кам гаплашсангиз, жумлалар тузишда унга

лалар бу даврда анча ҳаракатчан, сўз бойлиги борасида ҳам улар ўғил бола тенгдошларидан биров илгариллаб кетади. Ҳар қандай ота-она бунга алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

Фарзандингиз қўлини чойнакка қараб узатар экан, «тегма, иссиқ!», дейишга шошилманг. Айни вақтда қўлини қуйдириб олишига ҳам йўл қўйманг. Болани «иссиқ» деб чўчи-тишдан аввал, ўйлаб кўринг, у «иссиқ» сўзи қандай маъно англатишини биладими?

Махмуд Йўлдошев, психология фанлари номзоди

O'NLI KASRLAR:

QO'SHAMIZ VA AYIRAMIZ

5-sinf

Mavzu: O'nli kasrlarni qo'shish va ayirishga doir misollar yechish.
Dars shiori: Bilim qaytarish va takrorlash mevasidir.

(Abu Rayhon Beruniy).
Darsning maqsadlari:

1. O'nli kasrlarni qo'shish va ayirishga doir misol va masalalar yechish, ularga oid bilimlarni mustahkamlash, tenglama yechishni o'rganish.
2. O'quvchilarda ijodiy faollikni, mustaqil ishlash qobiliyatini mustahkamlash, hozirjavoblikka o'rgatish.

3. Misol, masala va tenglama yechish davomida o'zaro hamkorlik munosabatlarini tarbiyalash.

Darsning turi: bilimlarni mustahkamlash va umumlashtirish darsi.

Darsning jihozi: kompyuter, ekran, proyektor, tushunchalar tahlili uchun tayyorlangan kartotekalar.

Darsni olib borish rejasi:

- 1. Uyg'a vazifani so'rash.
- 2. Og'zaki so'rov.
- 3. Matematik diktant.
- 4. Misol va masalalar yechish.
- 5. Mustaqil ish (tushunchalar tahlili).

- 6. Dam olish daqiqasi.
- 7. Testlar bilan ishlash.
- 8. Darsni xulosalash.

Dars navbatchi axboroti bilan boshlanadi. O'quvchilarning darsga tayyorgarligi kuzatiladi. Darsning har bir etapi slaydlar orqali ekranda namoyish qilib boriladi.

I. Uyg'a vazifa so'raladi.

Uyg'a vazifaning javoblari ekranda namoyish etiladi. O'qituvchi o'quvchilarga daftarlarni bir-birlari bilan (partadoshi bilan) almashtirishlarini talab qiladi. O'quvchilar daftarda yozilgan uyg'a vazifani ekrandagi javoblari bilan tekshiradilar va bir-birlariga qaytaradilar.

II. Og'zaki savol-javob.

Savollar:

- 1. O'nli kasrlar qanday qo'shiladi?

- 2. O'nli kasrlar qanday ayriladi?
- 3. O'nli kasrlarda verguldan keyingi xona birliklari nomini sanab bering.
- 4. O'nli kasrlar qanday taqqoslanadi?
- 5. Butun son bilan o'nli kasr qanday qo'shiladi?
- 6. Butun son bilan o'nli kasr qanday ayriladi?

Bu savol-javoblar orqali o'tilgan mavzularga doir bilimlar mustahkamlab olinadi.

III. Matematik diktant. O'qituvchi sinf o'quvchilarini 1- va 2- qatorga ajratib, misollarni navbatma- navbat o'qiydi. O'quvchilar daftalariga yozadilar. Bu misollarni yechish uchun ularga vaqt beriladi. Birozdan keyin o'qituvchi o'qigan misollar ekranda namoyish etiladi. Daftarlari almashirilgan holda ekrandagi javoblar orqali tekshiriladi.

Matematik diktant			
I qator		II qator	
1) $3,57 - 0,5 =$	3,07	1) $9,64 - 0,6 =$	9,04
2) $7,11 + 2,03 =$	9,14	2) $1,55 + 4,04 =$	5,59
3) $2,3 - 0,15 =$	2,15	3) $8,09 + 2,01 =$	10,1
4) $4,08 + 4,02 =$	8,1	4) $4,5 - 0,25 =$	4,25

IV. Misol va masalalar yechish.
Darslikdan 649-654-misol va masalalar yechiladi. O'quvchilar doskaga chiqariladi.

V. Mustaqil ish (Tushunchalar tahlili asosida).

O'quvchilarning har biriga 5tdan savol yozilgan kartotekalar tarqatiladi.

Kartotekalar jadval shaklida berilgan. Jadvalning chap tomonida tushunchaning mazmuni berilgan. Jadvalning o'ng tomoniga o'quvchilar shu mazmunga mos keladigan tushunchani yozishlari kerak.

Biroz vaqtdan so'ng o'quvchilar javoblarini ekrandagi javoblar bilan taqqoslaydilar:

I qator

T/r	Mazmuni	Tushuncha
1	Surati maxrajidan kichik bo'lgan kasr	To'g'ri kasr
2	Aylanani teng 2 ga bo'ladi	Diametr
3	Kasr chizig'i ustida turgan son	Surat
4	Maxraji 10 ning darajasidan iborat bo'lgan kasr	O'nli kasr
5	$S = a \cdot b$	To'g'ri to'rtburchakning yuzi

II qator

T/r	Mazmuni	Tushuncha
1	Surati maxrajidan katta bo'lgan kasr	Noto'g'ri kasr
2	To'rtidan bir ulush	Chorak
3	Kasr chizig'i ostida turgan son	Maxraj
4	Surati maxrajiga teng bo'lgan kasr	Noto'g'ri kasr
5	$S = a^2$	Kvadratning yuzi

VI. Dam olish daqiqasi.
Quyida berilgan so'zlarga mos 1ta harfni qo'shib, ularning o'rnini almash-tirib, natijada matematika bilan bog'liq atamalar hosil bo'lsin:

- Javobi:
- Satr
 - Ark
 - Mis
 - Ushu
 - Unut
 - Miya

- C. 3,34
- D. 3,43

3. Hisoblang: 9,68—7,06

- A. 2,62
- B. 2,6
- C. 2,08
- D. 15,74

4. 12345 sonida vergulni shunday qo'yingki, 4 raqam o'ndan birlar xonasida bo'lsin.

- A. 1,2345
- B. 12,345
- C. 123,45
- D. 1234,5

VIII. Dars o'qituvchi tomonidan umumlashtiriladi va xulosalanadi.

Uyg'a vazifa: 658,659,660-misol va masalalar.
O'quvchilar javoblari izohlanadi va baholanadi.

Gulandom BAHROMOVA, Buxoro shahridagi 23-maktabning matematika fani o'qituvchisi

МАТЕМАТИКА ХАҚИДА АЛЛОМАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Г. Галилей: Табиат математика тили билан гапирди: бу тилнинг харфлари — доиралар, учбурчаклар ва бошқа математик фигуралардир.

И. Ньютон: Харфлар, амал ишоралари, алгебраик ифодалар ва тенгламалар алгебраик тилдир.

И. И. Лобачевский: Математик тилнинг гўзаллиги унинг қисқалиги, аниқлиги, тушунарлилиги ва ифодалилигидадир.

С. В. Ковалевская: Математикларнинг ўз тили мавжуд — бу формулалардир.

Х. Д. Цицикин: Логика тафаккур грамматикасидир.

А. Д. Александров: Математиканинг соvuq, сирдан қараганда қуруқ формулалари ички гўзалликка

ва уларда муjассамлашган фикрлар ҳароратига тўла.

С. И. Афонина: Фаннинг гўзаллиги уни ўрганишда, билишда ва айниқса, ижод қилишда намоён бўлади.

Т. Лейбниц: Геометрияда ҳам узун таърифларни талаб қилувчи фигуралар мавжуд.

А. Д. Александров: Математик го'яларнинг қатъий кетма-кетлигида ўзининг ички мусиқаси, ўзининг гўзаллиги, соvuq формулаларнинг тафти бор.

П. Д. Коэн: Маълумки, яши математика гўзалдир.

А. Д. Александров: Мусиқа структурасини тушуниш мусиқавий маданиятни талаб этгани сингари, математиканинг гўзаллигини ҳис қилиш учун ҳам математик маданиятга эга бўлиш керак.

Н. Е. Жуковский: Математикада ҳам расм-тасвир бор, шеърятга ўхшаш гўзаллик мавжуддир.

А. Реньи: Тинимсиз ақлий меҳнат қилмасдан ҳеч ким математикада олга силжий олмайди.

С. А. Соболев: Киши математик бўлишни хоҳласа, биринчи қадамдан бошлаб, фикр гўзаллигини, мукаммал хулоса тузишни севиши ва баҳолаши керакдир.

Ц. Ц. Соьер: Агар сиз математиканинг мафтуни бўлмасангиз, математикада ҳеч қандай янгилик яратолмайсиз.

А. С. Пушкин: Илҳом — поэзиядаги каби геометрияда ҳам зарур.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.



МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори кутубхоналар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Андихон вилоятни халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги ахборот-ресурс маркази 102 мингдан зиёд китоб фондига эга. Мазкур кутубхона ҳамisha ўқувчилар билан гавжум. Бу бежиз эмас, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, янги-янги адабиётлар ва газета-журналлар узлуксиз келиб турган мазкур марказ ҳақиқий маърифат масканига айланган. 2010 йилда марказ қарийб 12 минг китобхонга хизмат кўрсатди. Шинам ўқув заллари, интернетга уланган ахборот технологиялари бўлими китобхонлар хизматида.

Суратда: Гуласал Бўтақулова китобхонга хизмат кўрсатмоқда.

Хурсандбек АРАББОЕВ (Ўза) олган сурат.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга долзарб масала сифатида қаралаётир. Ҳуқуқий маслаҳатхоналар ходимлари айти пайтда жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да тадбиркорларнинг кўпгина ташкилот ва идоралар билан муомалага киришишларига, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишларига ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама ёрдам уюштиришяпти. Бу борада пойтахтимизда фаолият олиб бораётган Тошкент давлат юридик институти қошидаги 2-сонли юридик клиника фуқароларга беғараз ва бепул ёрдам кўрсатиб келаётгани эътиборлидир.

— Тошкент давлат юридик институти қошида 2000 йилнинг сентябрь ойдан ҳуқуқий маслаҳатлар бўйича 2-сонли юридик клиника иш бошлади. Клиника фаолияти уч асосий йўналишда — талабаларни юридик маслаҳатлар беришга ўргатиш, улар билимини клиник маълумотлар билан бойитиш ва пуллик юридик хизматдан фойдалана олмай-


лининг бошида клиникага янги талабаларни қабул қилади. Яъни клиницистлар (тўртинчи курс ва магистратура талабалари) ва клиницист ассистентлари (биринчи, иккинчи ёки учинчи курс талабалари). Клиницистлар гуруҳларга бўлиниб, суҳбатлар ўтказиш, консултация беришни навбатма-навбат амалга оширадидлар. Ҳар

— Ҳуқуқий маслаҳатлардан бирини мисол тариқасида келтира ола-сизми?

— Албатта. Юридик клиникада берган энг охириги ҳуқуқий маслаҳатларимиздан бири қуйидагича бўлган:

Бизга Андижон вилояти Избоскан туманидаги Пойтуғ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 24-уйда истиқомат қилувчи Мўминова Ирода Бадалбоевна мерос масаласи ва ундаги баъзи чалкаш масалалар тўғрисида мурожаат қилган. У ўзининг мурожаатида қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Кўшим Заборина Ольга Григорьевна мени уйга чақиртирди. (Касал пайтида унга қараганман). Уйига борганимда нотариус ҳам ўтирган экан. Заборина Ольга Григорьевна менга, васият орқали уйини қийналиб олишимни ва осон йўли уйни олди-сотди

Jarayon 

га давлат нотариусининг қонуний фаолиятини фирибгарлик ва эътиборсизлик сифатида баҳолади. Аслида нотариус С. Ботиров барча шартномаларни қонунга асосан амалга оширган эди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, давлат нотариуслари томонидан амалга оширилган барча қонуний ҳаракатларни ҳам ёлғон ва тўхмат билан бекор қилиш мумкин экан-да...».

Юқоридаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, яъни Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодексларига асосланиб, Юридик клиникада ариза билан Олий судга мурожаат этиш таклиф этилди. Чунки, ушбу ҳолатни ҳал этиш учун фақатгина Олий суд ваколатли ҳисобланади. Олий суд-

ТАНЛОВ ИЖОДКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2010» республика танловининг якуни бўйича Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш маркази томонидан ўтказилган тадбир бу танловнинг аънанавий тус олаётгани, қаровий кенгайиб, унда иштирок этаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатди.

Бундан ўн йил олдин Президентимизнинг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган асарига ўқув режа ва дастурлар, дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа турдаги адабиётларнинг жаҳон андозаларига жавоб бераётганини таъкидлангани. Бундан тўғри хулоса чиқарган соҳа кишилари, айниқса, таълим тизими ходимлари бу борада фаол иш юритдилар.

Натижанинг ёмон бўлмаганини 2010 йил танловида 183 нафар профессор-ўқитувчи иштирок этганидан ҳам билса бўлади.

Танлов якунида голибларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Iste dod» жамғармасининг дипломлари топширилди.

Қувонарлиси, тадбирда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танлови номинациясига «Санъат, миллий рассомлик ва дизайн, консерватория, маданият, жисмоний тарбия билан банд бўлганлар фаолиятига оид асарлар» номинациясини қўшиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши ва давр талаби даражасига етгани эътироф этилди. Чунки бунда танлов баҳонаси билан кўплаб бугунги кун қаҳрамонлари образи яратилган драмалар, сценарийлар, жаҳон андозаларига мос ўқув-услубий-дастурий ишлар яратилди ҳамда улардан энг яхшиларини танлаб олиш ва талабалар учун ўқув-амалий қўлланмалар сифатида фойдаланиш имконияти юзага келади.

Т. ҚОЗОҚБОВ,
Ўзбекистон давлат санъат институти ўқитувчиси,
«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи-2010» республика танлови голиби

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

диган фуқароларга юридик масалалар бўйича бепул ва беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича иш олиб боради, — дейди клиника мураббийси, «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» кафедраси ўқитувчиси Жамолiddин Абдурахмонхўжаев. — Юридик клиникада «ПРАВО» ва «LEX UZ» каби ҳуқуқий маълумотлар тизими, кутубхона ва барча зарур шарт-шароитлар ҳам мавжуд. Бу эса фуқароларга малакали ва сифатли юридик ёрдам кўрсатишда асқотади. Ушбу клиниканинг асосий вазифаларига жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш, ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан юридик маслаҳатлар беради.

— Клиника фаолияти қандай ташкил этилган?

— Юридик Клиника ҳуқуқий масалалар бўйича Тошкент давлат юридик институти бўлажак ҳуқуқшунос талабаларининг касбий билимини янада бойитиш, талабаларнинг институтда олган билимларини мустаҳкамлашга, уларни амалиётда қўллашга, шунингдек, олий таълим муассасаси ўқув режа ва дастурларига киритилмаган қўшимча амалий ҳуқуқий билимларни эгаллашга ёрдам беради. Бу ўз-ўзидан талабаларнинг клиникада ҳам қўшимча билим олишини таъминлайди. Масъул шахс ҳар ўқув йи-

бир гуруҳ фаолиятини клиника ҳуқуқшуноси назорат қилиб, зарур ўринларда уларга кўмак беради.

— Олий таълим муассасасида назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилаётган экан-да.

— Албатта, юридик клиника ҳуқуқнинг халқаро ҳамда миллий стандартларига асосан ижтимоий мавзулар бўйича ўқув машғулоти (тренинг)ларини ўтказиши. Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Риелитантириш дастури доирасида Юридик клиникага тегишли мавзуларда талабалар билан семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилди. Тегинли малакага эга бўлган клиницист-талабалар клиникага мурожаат қилган мижозлар билан ишлаб, уларга ёрдам берган ҳолда амалиёт ўтайдилар.

— Шу кунгача клиникага фуқаролар томонидан қанча мурожаат бўлди ва уларнинг тақдирини қандай кечди?

— 2009 йил ноябрь ойидан 2010 йил 27 октябрга-ча Юридик клиникага 247 нафар фуқаро мурожаат этиди. Шулардан 225 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилди. 22 кишига ҳуқуқий маслаҳат беришнинг иложи бўлмади, чунки ушбу ишлар юзасидан мурожаат этган фуқаролар талабаларнинг бевосита вакил сифатида судда иштирок этишини илтимос қилишган. Юридик клиникада эса фақатгина тавсиявий-ҳуқуқий маслаҳатлар берилади.

қилиб олиш эканлигини айтди. Заборина Ольга Григорьевнанинг айтишича, бу нотариуснинг маслаҳати экан. Шу кун, яъни 10 октябрь кунини нотариуснинг гувоҳлигида олди-сотди қилиб олдим. Ораддан бир неча кун ўтиб, Заборина вафот этди. Барча маросимларни ўтказиб, менга мулк ҳуқуқи бўйича ўтган уйга оилам билан кўчиб ўтдим.

Бугунги кунга келиб, Заборина Ольга Григорьевнанинг опаси бўлмиш Ледовская Варвара Григорьевна меросхўр бўлиб, ушбу уйни мендан талаб қилиб чиқди ва судга ариза билан мурожаат этди. Избоскан туманлараро суди 2009 йилнинг 16 сентябрь кунини ишни қўриб чиқди ва Ледовская Варвара Григорьевнанинг аризасини қаноатлантирмади. Шунда Ледовская Варвара Григорьевна апелляция инстанциясига мурожаат этиб, у ерда ўзининг курсдоши орқали (таниш билишчилик) Заборина Ольга Григорьевнанинг руҳий ҳолати ҳақида экспертиза ўтказишга эришди. Экспертлар касаллик тарихи дафтарчасидан руҳий касаллик тўғрисида маълумот тополмаганидан сўнг, судга ёзган хулосасида «бизнинг тахминимизча, Заборина Ольга Григорьевна руҳий касал бўлган ва олди-сотди шартномасини муомалага лаёқатсиз ҳолда имзолаган», деб хулоса беришган. Ушбу хулосага таяниб, суд асоссиз ажрим чиқарди ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилди. Шу билан бир-

га мурожаат қилиш учун фуқаро Мўминова Ирода Бадалбоевнага 4 бетдан иборат, асосланган ва далиллар билан таъминланган ариза ёзишида амалий ёрдам берилди.

Ариза Олий судга топширилди ва ишининг қайси йўналишда ҳал бўлиши кузатиламоқда.

— Клиниканинг келгусидаги режалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Яқин кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожлантириш дастурига асосан, жорий ўқув йилидан бошлаб ТДЮИ юридик клиникасида «НОРМА» ҳуқуқий-информацион дастури ўрнатилди.

Бундан ташқари аҳолининг ҳуқуқий эътиёжини қондириш мақсадида вилоятларда, ўзини-ўзи бошқариш идораларида шундай клиникаларни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш бўйича ўз лойиҳамизни ишлаб чиқиб, грант танловларида иштирок этиш ниятимиз бор.

Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олишга талаби ортганлиги сабабли, бундай юридик маслаҳатхоналарнинг аҳолига сифатли ёрдам кўрсатишини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ҳар жабҳада кераклигини исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

...Интиқиб кутганимиз янги йилнинг биринчи оyi ҳам февралга ўз ўрнини бўшашиб берди. Ҳаёт давом этапти. Кундузлар шомга шу қадар тез қўлини чўзипти, баъзан неларга улгуриб, улгура олмаганимиз, қай режаларимиз ечим топмай қолганига хайрли ташвишлар билан эрталарга умид боғлаймиз. Хуллас, яшашга, энг асосийси яхши ишлар қилишга шошиляпмиз.

Муҳтарам муштарий, хабарингиз бор бу йил сиздек зукко муштарийларимиз — ошначиларимиз сафи янада кенгайди. Демакки, биз тахририят ходимлари олдида қўйилган вазифалар кўламини, масъулият ҳам ортди. Биз сиз билан янада яқинроқ ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлмоқ мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олдик. Мақсадимиз эса ягона — таълим-тарбия иши самардорлигини ошириш, келажагимиз ворис-

Toshkent shahri
Matbuotchilar
ko'chasi 32-uy.
«Ma'rifat» gazetasi
tahririyatiga



**«Ma'rifat» ga
maktublar**

E-mail:
info@marifat.uz

лари саналмиш навкирон авлодни ҳар жихатдан баркамол фарзандлар этиб тарбиялаш. Бу катта вазифа сизу бизнинг кичик-кичик, баъзида кўз илғаб, илғамай қолади-ган хатти-ҳаракатларимиз, уринишларимиз натижасида амалга ошиши сир эмас. Ҳар қандай эзгу амал эса аввало кўнгилда кечган ўйлар, фикрлар, гоёлар, тақлиф ва мулоҳазалар каби кўринишларда диллардан тилларга кўчиши ҳам айна ҳақиқатдир. Агар ана шу кечинмалар қоғозларга эниб, «Ma'rifat» томон йўланса, газета минбаридан жарангласа, эҳтимол яхши ниятларнинг ижобати янада тезлашар.

Азиз муштарий, сизнинг мактубларингизни кутиб қоламиз. Мазкур саҳифа ҳам республикамизнинг турли ҳудудларидан тахририятимизга йўлланган хатлардаги сатрлардан жамланди.

Албатта, ўқувчиларнинг билимини тўғри, атрофича баҳолаш, бунда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришиш таълим самардорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари билим сифати-

ларидан фарқ қилади, — дейди 39-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори И.Абдуллаев. — Олдинги рейтинг тизимида ўқитувчининг кўп вақти кераксиз ҳисоб-китобларга сарфланар, яқиний рейтинг баллари эса охи-роқибат 5 баллик баҳо тизими-га айлантириллар, мажбурий

лаш, дарсларни ташкил этишга ижодкорона ёндо-шиш имкониятларини яратди, — дея ўз фикрини баён этади 1-мактаб ўқитувчиси Ҳалима Аслонова. — Опти-маллаштирилган соатлар эса мавзулар такорининг олди-ни олди.

Дарҳақиқат, мазкур тизим

ИЖОДИЙ ДАРС ИШТИЁҚИ

Мен она тили ва адабиёт-ни фани ўқитувчисиман. Ўз фанимни жуда севаман. Бўш вақтларимда шеърлар машқ қиламан. Ижод эса қалам-кашга бетакрор лаҳзалар ҳаёда этади. Дарсларимга ҳам ана шундай ижодкорона ёндашишга ҳар бир сабогим бир кашфиёт сифатида яратилишига ҳаракат қиламан. Масалан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан ўқувчиларни таништира эканман, дастлаб проектор экран-ида улуг шоир сиймоси пайдо бўлади. Шу оддий бир тасвир ўқувчиларим ҳаёлини мутафаккир бобомиз билан яқинлаштиради. Шундан сўнг магнит тасмасида унинг газаллари сўз усталари томонидан ўқилади, ашулалар ижро этилади.

Шундан сўнг сўзлар устида ишлаймиз. Хуллас, ўқувчиларимни Навоийни тушуниш, дарснинг мазмун-моҳиятини англашга тайёрлаб олгачгина, дарсни турли усулларда ташкил этаман.

Кўп йиллик тажрибала-римга таяниб айтмоқчиман-ки, адабиёт инсонда хуш фазилатларни шакллантириб, уни катта ҳаётга тайёрлаш, ажодларимизга муносиб ворис бўлишга интилиш ҳис-сини уйғотувчи сабоқ ҳам-дир. Шундай экан, бу ўрин-да биз фаннинг ижодий им-кониятларидан кенг ва умум-ли фойдалана билимоғимиз керак.

Гулсора
ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ҳазорасп туманидаги
45-мактаб ўқитувчиси

БАҲОЛАШНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИ

ни баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»-ги Низомнинг амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада олиб борилган ишларни мутахассис сифатида таҳлил этар эканмиз, қуйидаги фикрларга эътибор қаратмоқчи-миз:

— Такомиллаштирилган рейтинг тизими ўзининг соддалиги билан аввалги-

синов назорат ишлари ҳам алоҳида баҳолашиб, чораклик баҳо чиқариш жараёнини мураккаблаштиради эди. Аҳо да-ражали шаходатномага ном-зод ўқувчиларнинг бирор-бир фандан бали 4,9 бўлса ҳам унинг номзоди тушиб қола-рди.

— Мазкур тизим ўқувчилар билимини баҳолашга содда кўринишда, реал ёндашиб, ўқитувчининг ўз устида иш-

амалиётга татбиқ этилгунча синф журналига баллар 13, ҳозир эса 5 босқич бўйича қўйилиб йиллик рейтинг бали чиқарилади. Бу эса са-марасиз уринишлар ўрнини фойдали меҳнатга сарф этиш имкониятини берди.

Нарзулло МУРОДОВ,
Қизилтепа тумани
халқ таълими бўлими
методисти

Бошланғич синфларда ифодали ўқиш онгли ўқиш негизида шаклланади. Уни ташкил этишда асосий воситалар: нафас, овоз ва нутқ аъзоларининг меъёрий ҳаракатини тўғри англаш муҳим саналади. Бунинг учун ўқитувчидан катта маҳорат талаб этилади. Жумладан:

— адабий тил меъёрларига қатъий амал қилиш;

— нутқнинг гўзал ва раvon бўлишига эришиш;

— орзу-хаёл, қувонч-ташвиш, инти-лишларни тингловчиларга осон, мантқиқ-ли, таъсирчан етказишга ҳаракат қилиш;

ИФОДАЛИ ЎҚИШ унга қандай эришилади?

— она тилимизнинг улуғлигини ҳис этиб, сўз қудратини англаш жуда муҳим.

Бошланғич синф ўқиш китобларида берилган насрий асарлардан парчалар ўқитишда ифодалилик, қаҳрамонлар ово-зидаги маҳзунлик, шўхчанлик, вазиим-лик каби жиҳатларга эътибор қаратиш ҳам катта аҳамият касб этади. Шунга эъти-бор қаратиш жоизки, бошланғич синф ўқувчиларини ифодали ўқишга ўргатиш баробарида уларда тилимизга ҳурмат билан қараш, унинг имкониятларини ан-глай билишга ўргатиш, қалбларида эса инсоний фазилатларни қарор топтириш-га эришилади.

Абдуҳамид РАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилоят ПҚКТМОИ
ўқитувчиси

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Театр ўз сахна асари орқали инсонларни яхши-ликка етакловчи, ёмон иллатларга қарши кура-шишга ундовчи тарбия маскани.

Ана шундай маънавий масканлардан бири Ога-хий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма те-атри ўзининг ранг-баранг асарларини томошабин-лар эътиборига ҳавола этиб келмоқда. Биз бир гуруҳ университет талаба-лари бўш вақтимизни маз-мунли ўтказиш, маданий хордиқ олиш мақсадида бу масканга тез-тез таш-риф буюраемиз. Саҳна

асарларини томоша қилиб, биргаликда муҳо-кама қиламиз. Навбатдаги спектаклдан сўнг муҳока-ма жараёнига театр ди-ректори, соҳанинг тажри-бали мутахассиси Бахти-ёр Омонбоевни тақлиф этдик.

—Тетримиз ташкил этилган дастлабки йил-ларда «Лайли ва Мажнун», «Ошиқ Фарид ва Шохса-нам», «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш», «Феруз» каби асарлар унинг илк репер-туаридан жой олди, — дейди Б.Омонбоев. — То-мошабинлар Етим Бобо-жонов, Ваҳобжон Фаёзов, Комилжон Отаниёзов,

Султонпошша Раҳимова каби эл суйган санъаткор-лар ижросидаги роллар-ни катта қизиқиш билан томоша қилганлар. Кейинчалик «Ҳамлет», «Қароқчилар», «Яраланган юраклар» каби жаҳон ада-биётининг шоҳ асарлари ҳам саҳналаштирилиб то-мошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Ҳозирги кунда театр ижодкорлари томонидан тайёрланаёт-ган «Уғлимнинг орзуси», «Икки оёқли бўрилар», «Осмондан танга ёққан кун», «Тўғри ва эгри» каби тарбиявий аҳамиятга эга саҳна асарларини мактаб, академик лицей ва касб-

хунар коллежлари ўқувчи-лари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари, меҳ-рибонлик уйлари тарбия-ланувчилари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ёшларнинг одоб-ахлоқли бўлиши, дўстлик, меҳр-муҳаббат тушунчалари-ни англаб етишларида ушбу тарбия маскани саҳ-наларида намойиш этила-ётган асарлар ижобий таъ-сир кўрсатмоқда.

Феруза БОЛТАЕВА,
Фарзода
ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ургач давлат
университети
талабалари

ЎҚУВЧИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Шогирднинг ҳар бир муваффақияти устоз учун кат-та муқофотдир. Шу маънода «Маърифат» саҳифа-ларида собиқ ўқувчимиз Ўзбекистон давлат жаҳон тил-лари университетининг магистранти Раҳшона Тошпў-латованин «Тонги тароват мамлакатиди» мавзусида-ги чиқишларини ўқиб биз ўқитувчилари жуда хурсанд бўлдик. Унинг корейс адабаси Ханбоня қаламига ман-суб «Дунёни уч ярим марта яёв кезганди» саёҳатнома-сидан қилган таржималарини ҳам мароқ билан муто-лаа қилган эдик. Раҳшона ва унинг интилишлари ҳақида олим Маҳмуд Саъдий билдирган илиқ фикр-лар, устознинг қизимизга мураббийлик қилаётгани-дан суюндик.


Ўтган йили Корейдан Раҳшона билан келган меҳ-монлар қишлоғимизда меҳмон бўлишди. Улар билан суҳбатлашдик, суратларга тушдик ва туманимизнинг кечаги ва бугунги кунини ҳақида ҳикоя қилувчи Салим-жон Ҳамроқуловнинг «Яйпан: кеча ва бугун» номли китобини эсдалик учун совға қилдик.

Биз ўқитувчилар сеvimли газетамизнинг ёши истеъ-додларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш-га муносиб ҳисса қўшаётганидан миннатдормиз.

Бахтиёржон ШАМСИДИНОВ,
Ўзбекистон туманидаги
4-мактаб директори
Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

Тараққиётнинг ўзбек модели молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш баробарида ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш имконини берди. Биргина таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлашнинг ўзи кишига катта завқ бахш этади.

Давлатимиз раҳбари БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этади. Холбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.



ИТАЛИЯДА УНИВЕРСИТЕТЛАР ҚИСҚАРАДИ(МИ?)

Иқтисодий инқирознинг мураккаб шароити ва унинг асолатларидан кутулиш йўлида дунёнинг турли мамлакатларида бир қатор чора-тадбирлар кўриляётгани, жумладан, таълим равнақи учун ажратилаётган сармоялар қисқартириляётгани мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишларига қириляётган эътиборнинг кадру кимматини янада оширади.

Чиндан ҳам, тараққиёт улкан бир дарё бўлса, таълим соҳаси, шубҳасиз, унинг теран irmoқларидан биридир. Бироқ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози барча жабҳаларда бўлгани каби мажбурий ҳолда ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Унинг асолатларидан кутулиш йўлида эса дунёнинг турли мамлакатларида таълим тизимида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, Европанинг Греция, Ирландия, Италия, Латвия, Франция каби давлатларида ижтимоий йўналтирилган сармояларни қисқартириш эъзаига нажот изланмоқда. Шу орқали бюджет сарф-харажатларини тежашга ҳаракат қилинган.

Ҳўш, масалга бундай ёндашув ўзини оқлаяптими?

Келинг, шу саволга жавобни Италия мисолида излаб кўрамиз. Хабарингиз бор, 2007 йилдаёқ мамлакатда нафақа ва ижтимоий таъминот соҳасида катта ислохотлар амалга оширилганди. Яъни, ўшанда ҳукумат ўз олдига нафақага чиқиб ёшнинг узайтириш ҳамда унинг миқдорини озайтиришни асосий мақсад қилиб қўйганди. Оқибатда, Апеннин бўйлаб улкан норозилик тўлкинлари вужудга келган ва уни тўхтатиб қолиш анча мураккаб масалга айланганди. Энди шу каби ислохотлар "таъмин"ни ёш авлод таълим соҳасида ҳам татиб кўриши аниқ бўлди.

Мавзуга қууррок кириб боришдан олдин ҳаммамизга маълум ва равшан бўлган ҳақиқатни эслаб ўтиш жоиз. Жозирги интеграциялашув ва кескин рақобат шароитида ҳар бир давлат ўз ривожланиш йўлига эга бўлишни истайди. Бунда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг етуқ шахс бўлиб камол топишига бериладиган эътибор ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қўллаб олимлар томонидан

глобаллашув даври ўз ўрнини билимлар жамаиятига бўшатиб беради, деган тахминлар илгари суриляётгани ҳам бежиз эмас. Шу асосда, пухта дастур ишлаб чиқилади ва у изчиллик билан амалиётга татбиқ қилинади. Зеро, цивилизация чўққиларини босқичма-босқич забт этиш ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқатдир.

"Италияда эса аксинча", деб ёзди "Анса" манбаси. "Гап шундаки, мамлакат олий таълим тизимида навбатдаги ўзгаришлар амалга оширилиши расман тасдиқланди. Бундай ўзига хос модернизация жараёнлари минтақа бўйлаб катта норозилик намойишлари билан қарши олинган бўлса-да, парламент юқори палатаси бу борадаги қонун лойиҳасини қўллади. Аниқроқ қилиб айтганда, сенаторларнинг 161 нафари лойиҳани амалиётга татбиқ этишни қувватлаб, кўл кўтарди. 98 нафари эса қарши бўлди, 6 нафари бетарафлигини саклаб қолди".

Бугун Италияда 52та давлат, 3та техник ва 2та хорижликлар учун университет, 3та институт фаолият юритмоқда. Уларнинг орасида Болонья ва Салерно каби дунёга машҳур ўқув юртларининг номи ҳам бор. Масалан, 1088 йили асос солинган Болонья университетида Данте Алигъери, Франческа Петрарка, Пико делла Мирандола, Николай Коперник, Альберт Дюрер каби таниқли шахслар таҳсил олган. 1960—70 йилларга келиб худудда давлат университетлари сони сезиларли даражада ошди. Уларнинг орасида Верона, Боккони (Милан), Луис(Рим), Луис Гидо Карли халқаро университетлари қисқа вақт ичида ном қозона олди.

Санъат академияси, Миллий драма академияси, Давлат мусика консерваторияси, таржимонлар, хореографлар, кинематография олий мактаблари ҳам ўз соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Шартшароит тақозоси билан таълим сектори вакиллари ўзаро ҳамда кадрлари қайта тайёрлаш ва касб малакасини ошириш марказлари, ижтимоий ташкилотлар, бизнес тузилмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Умуман олганда, юқоридаги каби билим юртлари мамлакат тараққиётига

ҳисса қўшадиган мутахассислар етказиб беради.

Ҳўш, мана шундай мақомга эга олий таълим тизимидаги бундай ислохотлардан қўзланган мақсад нима? Ҳукумат раҳбари Сильвио Берлускони тарафдорларининг фикрича, шу орқали олий таълим тизими асосида ётган фалсафа тамоман ўзгаради. Режага кўра, университет курслари сони қисқартирилади, грант маблағлари ҳажми камайтирилади, тизимда хусусий сектор роли оширилиб, ректорларнинг ўз лавозимида ишлаш муддати чегараланади. Шу йўл билан тахминан 9 миллиард евро тежаб қолиниши назарда тутилмоқда.

Айни пайтда янги ислохотларга қарши бўлганларнинг фикрида ҳам жон бор: "Ўзи шундоқ ҳам Италия ялпи ички маҳсулотининг 5 фоиздан кам қисмини таълимга сарфлайди. Бу ривожланган мамлакатлар ичидаги энг паст кўрсаткичдир. Бундан ташқари, "ўзига хос модернизация" 130 миң иш ўрнининг қисқаришига олиб келиши билан бирга таълим сифатидаги пугур етказилади, илмий тадқиқотлар олиб боришга молиявий кўмак бериш имкониятини пасайтириб юборади. Бу эса мамлакатнинг кадрлар ва инновация салоҳиятига жиддий зарбадир".

Янги лойиҳани ишлаб чиққанларнинг бу борадаги фикрлари қандай? "Сўнгги йилларда кўпайиб кетган кичик университетларни ёпиш ва талабалар сонини камайтириш ҳисобига юқоридаги маблағ миқдорини кўпайтиришни мўлжалланганми", деган маънода гаплар таълим вазири Мариастелла Жельмини интервьюларида кўп бор такрорланди.

Вазир хоним ўз қарашларини қуйидагича изоҳламоқда: "Шу орқали университет дипломлари бўлган хурматни қайтариш ва битирувчи кадрларнинг меҳнат бозоридagi кадрини оширишга эришиш кўзда тутилган".

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мамлакатда университет битирувчилари ўз мутахассисликлари бўйича иш топиши учун йиллаб вақтини сарфлайди. Ёки топади, ёки ишсиз юраверади. Шунинг учун ҳам бу ерда ёшлар ўртасидаги иш-



сизлик 25 фоизга етган. Боз устига, сўнгги йилларда итальян университетлари Европада ўз соҳасининг даргалари сифатида тилга олинмай қўйди. Бу эса тараққиётга салбий таъсир ўтказувчи омиллардан биридир.

Умуман, сўнгги вақтларда Европанинг баъзи давлатларида олий мактаб тизими таназзул ёқасига келиб қолгани ҳақида кўплаб чиқишлар, таҳлилий мақолалар эълон қилинмоқда. Жумладан, (ИХТТ)га аъзо 29 давлатда 47 миллион бола келажаги қандайлигини тасаввур қила олмаслиги ҳақидаги фактлар шундан далолатдир. Ёки уларнинг кўпчилигида Европа минтақасидаги ўнатий ҳолга айланиб қолгани ҳақида ёзилади.

"Пировардида таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги богликлик гипотетик шаклда, яъни қандайдир фарازلарга асосланган қолгандек", дейилади "Анса" манбасида. Бошқача қилиб айтганда, университетлар оғир меҳнатни хохламайдиган, аммо ишсиз ёшлар учун нажот қалъаси, вақт ўтказиш учун муқим қароргоҳга айланган, дейиш мумкин. Дипломлар мақоми ҳам шунга яраша.

Вазиятни ўзгартирши мудаосида университетларни улар кўрсатган натижаларга қараб рағбатлантириш усули амалиётга татбиқ этилиши мўлжалланмоқда. Лекин дунёнинг кўплаб ўлкалари қатори бу ерда ҳам мажбурий ёндашув педагоглар эътирозига сабаб бўляпти. Биргина океанорти юртида ҳокимиятнинг ўқитувчиларга маошнi ўқувчиларининг савиясига қараб белгилана боғрасидаги ҳаракатлари касабa уюшмалари томонидан танқидга учради. Яна бир жиҳати

шуки, Италия ташқи қарзлари жорий йилда ЯИМнинг 118 фоизини ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Бу Европа Иттифоқида Грециядан кейинги энг ёмон кўрсаткичдир.

Хуллас, итальян ҳукуматининг сарф-харажатларини камайтириш йўлида ижтимоий сармояларни қисқартиришдан бошқа чора топа олмаётгани ва бундай зарбага таълим тизими дучор бўляётгани эса аҳолининг кўпчилик қисмини бефарқ қолдиргани йўқ, албатта. Сабаби, кўплаб оилаларнинг ҳаёти университетлар билан чамбарчас боглиниб кетган. Кимнингдир ота-онаси педагог ёки шу соҳа ходими, бошқаларнинг фарзандлари талаба ёки абитуриент.

Мамлакатнинг 50дан ортиқ шаҳрида шу юзасидан норозилиқлар бўлиб ўтгани фикримизга далилдир. Уларда ўн миңглаб мактаб битирувчилари, талабалар, ўқитувчи, профессор ва илмий ходимлар қатнашди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан 42 миңга таълим муассасасида педагог ва техник ходимлар намоиши бўлиб ўтди. Чунончи, Рим ва Туринда 30 миң, Болоньяда 20 миң, Миланда 15 миң, Неаполь, Триесте, Генуя, Бари, Палермо каби шаҳарларда ҳам кўплаб одамлар ўзгаришларга қаршилигини билдириб кўчага чиққан.

Шунга қарамай, парламент томонидан ислохотлар тасдиқланди. Бугунги кунда меҳнат конфедерациясининг "Агр" агентлиги котиби Жоржо Кремаски ўзгаришларни, "Бундан олдинги ва айни пайтдаги қонун лойиҳалари ёшларнинг келажак бўлган ишончига болта уришдан бошқа нарса эмас" деб баҳолади. Буни эса энди вақт кўрсади.

Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

ИККИ МИНГТАСИ ТОПИЛДИ

«СОХО» («SOHO») космик зонди ўзининг фаолияти давомида аниқлаган кометалар сонини 2 мингтага етказди, деб хабар беради НАСА расмий сайти nasa.gov. Мазкур ускуна Куёшни кузатиш, унинг атмосфераси, тожи ҳамда савомий жисмда рўй берадиган шамоллар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш учун 1995 йили самога чиқарилган.

Мутахассисларнинг айтишича, зонд бортига ўрнатилган коронограф асоби ёрдамида Куёшдан таралаётган ёруғликнинг асосий қисмини тўсиш имкони бор. Натижада, унинг тожини батафсил ўрганишга, шунингдек, Куёш атрофидаги у даврада ёруғ бўлмаган савомий жисмлар — кометаларни аниқлашга ҳам имкон туғилади. Шу сабаб ҳам «СОХО» томонидан бундай кометалар кўп миқдорда аниқланмоқда.

Аппарат ёрдамида топилган кометаларнинг 85 фоизи Крейц номли савомий жисмлар гуруҳига киришини тадқиқотчилар таъкидлашган. Улар бир неча аср аввал парчаланиб кетган улкан комета қолдиқлари ҳисобланади. Кўп ҳолларда улар Куёшга жуда ҳам яқин масофада ҳаракатлангани учун ёниб битган экан. Лекин «СОХО» томонидан аниқланган кометалар орасида «чидамли»лари ҳам бор.

— Бундайларга 96P/Махголец кометасини киритиш мумкин, — дейди бу ҳақида НАСА илмий ходими Крис Бергольф. — Боиси мазкур савомий жисм орбита бўйлаб ҳаракатланаётганда космик зонди томонидан 3 марта қайд этилган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, аппарат узатаётган маълумотларни ўрганиш бўйича асосий ишни ҳаваскор астрономлар амалга оширмоқда. Хусусан, 1999 ва 2000-чи бўлган кометаларни Ягеллон университети (Польша) талабаси Михал Кусяк аниқлаган. 2007 йилнинг ноябрида илк маротаба кометани аниқлаган мазкур ҳаваскор астроном ҳозирга келиб 100дан ортиқ бу турдаги савомий жисмларни ўрганишга муваффақ бўлган.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, дастлабки 1000та кометани қайд этиш учун «СОХО» аппарати 10 йил талаб этилган бўлса, қолгани учун икки баробар кам вақт сарфланди. Тадқиқотчилар мазкур жараённинг жадаллашувини лойиҳага астрономларнинг қизиқиши кучайгани билан боғламоқда.

2012 ЙИЛГАЧА ЧЎЗИЛАДИ

Женева (Швейцария) яқинида жойлашган ва дунёнинг энг катта таъриба ускунаси дея эътироф этилаётган Улкан адрон коллайдери(УАК) фаолияти 2012 йилгача чўзиладиган бўлди. Мазкур қарор зарралар тезлаткичи билан ишлаётган физик олимлар иштирокидаги Франциянинг Шамони шаҳрида ўтган конференцияда маълум қилинди. Янгилек «Сайнс Нау» порталида батафсил берилган.

Бундан олдин жорий йилнинг охирига келиб УАК тахминан бир йилга чўзиладиган таъмирлаш ишлари туфайли тўхтатилиши мумкинлиги ҳақида гап борганди. Бунда ўтказувчанлиги ўта юқори бўлган бирикмиш жойлардан токни қайтаридиган мис стабилизаторларини таъмирдан чиқариш кўзда тутилган. Боиси улар вақт ўтгани сари қаршилсиз токни ўтказиш хусусиятини йўқотар экан.

— Айни вақтда УАК ичида 80га яқин стабилизаторларни ўзгартириш ёки таъмирлаш зарур, — деди тадқиқотчилардан бири Жозе Бриггс. — Аввалига, улар ўз вазифасини тўла тўқис бажариш даражасида эмас, деган фикрда эдик. Лекин сўнгги кузатувлардан ускулалар яна бир муддат барқарор ишлаши мумкинлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга, коллайдер модернизацияси масаласининг 2012 йил охирига қолдириш қарори ўтган йили қурилманинг деярли узлуксиз ишлаши билан ҳам боғлиқ экан. Эндиликда физиклар икки йил давомида амалга ошириладиган таърибалар пайтида Хиггс бозони номини олган заррани батафсил ўрганиш учун етарлича маълумот тўплашга умид қилишмоқда. Негаки, ҳозирда 7 тераэлектронвольт қувват (уни 8 тераэлектронвольтга кўтариш масаласи ҳам муҳокама қилиняпти) билан протонлар тўқнашуви ташкил этилаётган пайтдаёқ зарранинг масса билан боғлиқ кўплаб маълумотларга эга бўлиш имкони мавжуд экан. Қолаверса, мутахассислар зарралар тўқнашуви жараёнида Хиггс бозонининг вужудга келишини қайд этишни ҳам режалаштирмоқда.

ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ РЕКОРДИ ЯНГИЛАНДИ

Японияда ўта узоқ масофаларни ҳам осонлик билан босиб ўтадиган, аниқроғи бир марта қувват олиб, 550 километр юра оладиган электромобиль ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткичи билан янги турдаги улов аввалги рекордни янгилади. «Химико» («TGMV EV Himiko») русумидаги электромобиль яқин кунларда Токиода ўтган электр двигателлар санаоти кўргазмасида намойиш этилди. У «Митсуока Моторс» («Mitsuoaka Motors») хусусий автомобиль ишлаб чиқариш компанияси маҳсулотидир, деб хабар берди «ДигИнфо ТВ».

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, дастлабки электромобиль 13 йил олдин ишлаб чиқарилганди. Улов кўрғошин ва кислотали аккумуляторларда ишлаб, бир марталик қувватланишдан сўнг 150 километрни босиб ўтиши мумкин эди. Лекин айни пайтда литий-полимер батареялар қувват борасидаги устунлиқни таъминламоқда. «Химико» электромобили ҳам улар асосида ишлайди. Унинг капоти остида 168та батареялар жойлашган. Айнан уларнинг ёрдамида янги



электромобиль аввалги рекордчи «Тесла Моторс» компаниясининг «Тесла Родстер» («Tesla Roadster») уловидан 50 километр кўпроқ юриш қувватига эга бўлган.

Электромобилнинг нархи ҳозирча маълум бўлмасда, компания жорий йилнинг иккинчи ярмида уни сотувга чиқаришни режалаштирмоқда. Асосий харидорлар сифатида Жануби-Шарқий ва Яқин Осиё мамлакатлари аҳолиси кўрсатилмоқда, чунки компания мазкур худудларда ўз ҳамкор дилерларига эга.

Шу пайтга қадар электромобилларнинг энг асосий камчилиги тез-тез қувват олиш имкони йўқлигида эди: одатда батареялар қуввати 50-200 километрга етарди, холос. Ёқилгиде ярадиган автоуловлар билан солиштирилганда электромобиллар бу борада анча ортда қолишининг сабаби ҳам ана шундадир. Мутахассисларнинг фикрича, эндиликда «Химико» туридаги маҳсулотнинг автомобиллар бозорига пайдо бўлиши ўртадаги рақобатни анча кучайтиради.



СИЛГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИ

Даниялик олимлар сил касаллигини даволаш борасида янги муваффақиятга эришди. Улар томонидан хасталикка қарши ишлаб чиқилган дори воситанинг самараси лаборатория шароитида кемирувчилар устидан амалга оширилган таърибада ҳам тасдиқланди. Дания давлат институти мутахассисларининг тадқиқоти батафсил ёритилган мақола «Нейчэ Медисин» («Nature Medicine») журналикда чоп этилди.

Илгари сил касаллигига қарши ишлаб чиқилган вакциналарни хасталикни кўзгатувчи инфекция — микробактерия билан биргаликда киритиш талаб этиларди. Лекин бундай дори воситалари силдан ҳимоя қилмай, касалликни юққанидан сўнг унинг ривожланишига тўсқинлик қилади, холос. Эътиборлиси, яширин шаклдаги касаллик кўзгатувчиси ўн йиллардан сўнг, яъни вакцинациядан кейинги жимоя сустлашгач, фаоллашиши мумкин экан. Даниялик тадқиқотчилар ютуғи шундаки, улар томонидан ишлаб чиқилган янги восита касаллик микробактерияларнинг ҳам яширин, ҳам фаол шакллариغا бирдай қарши курашиш хусусиятига эга.

Тадқиқот раҳбари Петер Андерсеннинг сўзларига кўра, ҳозирча синовда бўлган вакцина таркибига микробактерияларнинг яширин шаклларида синтезланган оқсил кирар экан. Шу билан бирга, инфекциянинг фаол кўзгатувчиларига қарши иммунитетни мустаҳкамловчи антигенлар ҳам дори таркибидан ўрин олган. Натижада, дори эмлангандан сўнг Т-лимфоцит-хелперлар ишлаб чиқарилади. Улар эса ўз навбатида, организмдаги оқсилларнинг касалликнинг ҳар икки шаклига қарши қаттиқ курашишни таъминлайди.

Мутахассислар янги вакцина сил касаллиги ривожланишининг олдини олишда, касаллик аниқланганда, болалар ва ўсмирларни қўшимча вакцинация қилишда янгиқса қўл келади, деган фикрда.

ЭВОЛЮЦИЯ ҚОНУНЛАРИГА ЗИД ҲОЛДА

Океанортилик олим Жон Винс Жанубий Америкада яшовчи дарахт қурбақасида пастки жағнинг борлиги эволюция назариясига зид эканини маълум қилди. Тадқиқотчи «Эволюшн» («Evolution») журналикда изланиши борасидаги мақоласини нашр эттирди.

Маълумки, 1893 йили бельгиялик палеонтолог Луи Долло биолог қонунни таърифлаб берди. Унга кўра, ҳеч бир организм эволюцион ривожланиш жараёнида босиб ўтган босқичлардан биридаги ҳолатига ҳатто қисман бўлса ҳам қайтиш хусусиятига эга эмас экан. Нью-Йоркдаги Стоун-Брук университети олими Жон Винс эса бундай ҳолат юз бериши мумкинлигини таъкидламоқда.

Мазкур хулосага биолог 170 турдаги амфибия(қуруқликда ҳам, сувда ҳам яшовчи ҳайвон)лар ДНКсини ва қазилма қолдиқларини генетик ўрганиш орқали келган. Унинг кузатувларидан Gastrotheca guentheri туридаги қурбақа тахминан 230 миллион йил аввал тишсиз қолган бўлиб, сўнгги 20 миллион йил ичида эса бу жонзотда яна тишлар шаклланиши маълум бўлди.

Қурбақанинг бу тури Колумбия ва Эквадордаги Анд тоғлари ёнбағрида яшайди. Амфибия тўлиқ шакланган жағга эга ягона тур бўлиб, қолганларда фақат тепа қисмидаги тишлар қузатилади.

Олимнинг таъкидлашича, жағнинг тепа қисмида тишлари бор бўлган қурбақалар табиатда «тескари эволюция» механизми мавжудлигини далиллайди. Шу билан бир қаторда, у яна қатор янги маълумотларни илм-фан аҳлига тақдим этиб, натижада катта мунозараларнинг юзага келишига сабабчи бўлди. Гап шундаки, тадқиқотчи қатор ҳашаротлар, моллюск ва калтакесаклар тана қисмининг баъзи қисмлари ҳам қайта шаклланиши маълум қилган. Буларнинг барчаси эса, табиийки, Луи Доллонинг эволюция қонунига зид. Шу боис, дунё олимлари Жон Винснинг назарияси қанчалик тўғри эканини аниқлаш мақсадида янги тадқиқот ва кузатувларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлашмоқда.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг асосий фаолияти ўқувчи-ёшларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини тўғарак, спорт секциялари, ижодий студия, клуб, ансамбль, театр ва бошқа шакллар воситасида ривожлантириб боришни кўзда tutади. Шунингдек, тўғарак аъзолари иштирокида кўрик-танловлар, байрамлар ва мусобақалар ташкил қилиниб, ғолиблар рағбатлантирилиб борилмоқда. Республикаимизда мактабдан ташқари таълим йўналишида ибрат кўрсатаётган, ўқувчи-ёшларга қўшимча таълим беришда, уларни касб-хунарга йўналтиришда самарали меҳнатлари билан намуна бўлаётган яна бир муассаса фаолияти билан сизларни таништирмакчимиз.

Республика болалар Бадий ижодиёти маркази 1990 йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида ташкил этилган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилган. Марказда турли йўналишда ижодий студиялар ташкил этилган. Уларда халқ рассомлари ва халқ усталари, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзолари, республика «Хунарманд» ва «Усто» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг аъзолари студия раҳбарлари сифатида фаолият юритмоқда.

Ижодий студияларда ҳар бир ижодкор ўз иш услуби ва сирларига эга. Уларнинг бир-бирига ўхшамас ва бетакрор мактаблари бор. Марказ фаолияти усталар ва устоздалар мактабларининг давомийлигини таъминлаш ҳамда халқ амалий санъатининг йўқолиб бораётган намуналарини тиклаш, ривожлантириш, келажак авлодга етказиш мақсадида «Уста-шоғирд» мактаби асосида ташкил этилган. Ижодий студиялар раҳбарлари мақсадли ўқув дастурлари ишлаб чиқиб, машғу-

лотларини шу асосда олиб бормоқдалар.

Тарбияланувчилар орасидан ўзбек тасвирий санъати ва миллий халқ амалий санъати мактабининг давомчилари бўлган янги авлод ижодкорлари етишиб

чиққанлиги марказ педагог ходимларининг улкан ютуғидир.

Ёш ижодкорларни санъатга қизиқтириш мақсадида юртимизда ижод қилаётган таниқли санъаткорлар, ижодкорлар, ёзувчилар, тарихчилар ва халқ усталари билан учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилади. Айниқса, бу борада «Уста-шоғирд» ҳамда «Маҳорат мактаби» кўргазмалари чиқишлари орқали катта натижаларга эришилади.

Марказ фаолиятида алоҳида ўрин тутадиган, эътиборга молик ишлардан

бири имконияти чекланган болалар билан соғлом болалар меҳнат таълимини интеграциялаш жараёнини ҳақал сурьатда олиб борилишидир. Ушбу инклюзив жараён имконияти чекланган болаларнинг соғлом болалар билан бирга ижод қилиши, уларнинг онгли ривожланиши ва танқ ҳаракат системасидаги нуқсонлари оз бўлса-да, бартараф этилишига имкон беради. Имконияти чекланган болалар иқтидорларини ишга солиб, фантазияга бой асарлар яратадилар. Улар бу ерда ўзларини тўлақонли ва бенуқсон инсон сифатида ҳис қиладилар. Шу

ридан келиб чиқиб, мактабдан ташқари таълим тизимига ахборот технологияларини татбиқ этиш мақсадини аниқ йўналишдаги «Компьютер графикаси ва дизайн» ижодий студияси ташкил этилди. Мақсад компьютер сабоқларини ўрганиш эмас, аксинча, компьютер ёрдамида ижодий асарлар яратишдир. Студия аъзоси, 12 ёшли Достон Орипов томонидан компьютер ёрдамида яратилган «Бизнинг марказ» ижодий иши республика кўрик-танловининг мутлақ ғолиби бўлди.

Кўпгина ўғил болаларнинг эътиборини жалб эта-

ларда кашта тикишни кунт билан ўргатмоқда.

Тасвирий студия раҳбарларидан Маҳмуджон Иномжонов, Азизбек Хайдаровнинг дарс бериш усуллари, асосан, тасвирий санъатнинг негизи бўлган қаламда расм чизиш, унга шакл бериш, сояни қандай чизиш ва композиция устида виланиш бўлганлиги сабабли болалар жуда катта қизиқиш билан машғулотларга қатнашадилар.

Татьяна Целрникернинг «Тасвирий санъат ва майда пластика» ижодий студиясида эса 100 дан ортиқ ногирон ва тарбияси оғир болалар расм чизишга бўлган лаёқатларини истеъдод даражасига етказяптилар. Қолаверса, мураббий ногирон болаларнинг уйларига бориб ҳам мунтазам равишда машғулотлар ўтказиб боради. Уларнинг ота-оналари билан ишлайди, турли кўргазма-танловларда иштирок этишларига кўмаклашади.

Шу кунга қадар марказнинг 230 нафар ёш ижодкорлари республика ва халқаро танловларда иштирок этиб, олтин, кумуш медаллар ва сертификатлар билан тақдирланган.

Айни пайтда муассасада мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мазмунан янгилаш, улар томонидан ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёнига илм-фан ютуқлари, илгор педагогик технологиялар ҳамда иш тажрибаларни жорий этиш борасида ижодий ишлар амалга оширилмоқда.

Махфират ҚУРБОНОВА

СОҒЛОМ ИЖОДИЙ МУҲИТ

Имконияти чекланган болаларни ҳам фаоллаштирмоқда

боис машғулотларга фаол қатнашиб, ушбу натижаларга эришган ёш ижодкорларни кўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг асарларидан иборат шахсий кўргазмаларни ташкил этиш аънанга айланган. Жумладан, ижодий студияларнинг ана шундай кўргазмаларида иштирок этган Ирина Бучок, Зафар Султонов, Жамшид Эргашев, Шодиҳон Қосимова, Камилла Муҳаммедшина, Ирина Нор кейинчалик Республика кўргазма-танловларининг ғолиблари бўлишган.

Хозирги замон талаблар-

диган «Миллий ганч ўймакорлиги» ижодий студиясига Ўзбекистон Бадий академиyasi ижодкорлар уюшмаси аъзоси Ҳабибулло Муродов раҳбарлик қилади. Ижодий студия 2009 йил февраль ойидан бошлаб фаолият юритаётганлигига қарамай, қатнашувчилар сони 15-20 нафарни ташкил этиди. Улар ҳозирда нақшинкор панноларни ишлаб, турли кўргазмаларда иштирок этиб келмоқдалар.

«Миллий каштачилик» ижодий студияси мураббийси Манзура Худойбердиева 7 ёшдан 16 ёшгача кизларга қорақалпоқча, хоразмча ва фарғонача услуб-

Maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida

УЛАР УЛКАН ИШЛАРГА ҚОДИР

«Чизган расмимни «Қишлоқ манзараси» деб номладим. Унда асосан...» Эшиги очик турган хона ичкарасида ўз ижодини тенгқурларига таништираётган ҳажигина болакай бир зумда эътиборимизни жалб этиди. Ўқувчининг жарангдор овози, расмдаги ҳар бир деталга алоҳида тўхталиб ўтаётгани унга нисбатан ҳавас ва ишонч туйғуларини оловлантирди.

Яккасарой туман халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчилар ижодиёт маркази қошидаги «Ёш рассомлар» тўғараги аъзолари янги-янги расмлар чизиш, рассомлик санъатининг нозик сирларини ўрганишга интиладилар. Тўғарак аъзолари сони 30 нафардан ортиқ бўлиб, улар асосан 3—4-синф ўқувчиларидир. Болалар чизган расмларга назар солсангиз, жажжи қалблардаги Ватанга бўлган меҳр уларнинг ҳайвонот олами, табиятга муносабати тасвирларда ёрқин акс этганини сезасиз.

— Ҳар бир ўқувчи оқ қоғозда нималарни акс эттиришга қодир. Улардаги ҳар қандай ижодкорлик интилишларини кўллаб-қувватлаб, янги ижод намуналарини яратишларига илҳомлантириб тураман, — дейди тўғарак раҳбари Дилноза Ҳайдарова.

Марказ қошида «Тикувчилик», «Тўқувчилик», «Замонавий рақс», «Миллий рақс», «Вокал», «Компьютер технологиялари» сингари йигирмага яқин тўғарак фаолият юриятаяпти. Уларга туман ҳудудида жойлашган мактаблардан кўллаб ўқувчилар жалб қилинган бўлиб, «талабгорлар» сони кун-

дан-кунга ортиб бормоқда. Умида Абдурахмонова, Нозима Исроилова, Дилдора Мухторова, Хумора Норбўтаева сингари ўз касбининг етуқ мутахассислари машғулотларга раҳбарлик қилмоқда. Қўвонарлиси, кўллаб мактабларда бу тўғаракларнинг бўлимлари фаолият юритмоқда. Ўқувчилар ўз ижод намуналари, истеъдодини кўллаб танловларда намойиш этиб келаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Жумладан, Фотиҳабегим Ҳафизова ва Шоҳиста Наврўзова «Янги авлод — 2010» болалар фестивалида вокал ижрочилик бўйича иштирок этиб, ғолиб бўлишди. 7—8 январь кунлари Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ва шаҳар Ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан ўтказилган «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деб номланган семинар-тренингда «Тикувчилик» тўғараги аъзолари ўзлари яратган либослари кўргазмасини ташкил қилдилар.

Бола қалби жуда ҳам нозик, шу билан биргаликда кўп нарсага қодир. Унинг қизиқишларини тўғри йўналтириш, ижобий ҳаракатларини эътибордан четда қолдирмаслик, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, мурғак қалбларда хунарга меҳр уйғотиш борасида ижодиёт марказларининг ўрни бўлакча. Ҳар бир ўқувчининг бугунги гайрати, интилиши кўллаб-қувватланса келажакда улар буюк рассомлар, хонандалару дизайнерлар, меъморлар даражасида камол топиши мумкин.

Дилфуза МАҲКАМОВА

Одатда эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида ёнғин ҳодисаси содир бўлиши аҳоли яшаш жойларида кўп учрайди. Бундай ҳолларда эса, энг аввало, катта талафот кўрувчи ҳам, жабрланувчи ҳам инсонлар эканлиги барчамизни ташвишга солади, албатта.


Бу борала, яъни фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида 12-ҲҲҲО ходимлари олдида ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, бўлим ходимлари йил давомида аҳоли турар жойларида учрашувлар ташкил қилиб, фуқаролар-

ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ


нинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши, уларнинг олдини олишга доир билимларини оширмоқда. Бу борала маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳудуддаги хонадонлар жойлашувини яхши биладиган, аҳолини яхши танийдиган маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлари ва фаолларининг кўмаги асқотмоқда.

Айрим маҳаллалар ҳудудида ноқонуний тарзда қурилган уйлар, баъзи кўчаларга ўрнатилган бетон тўсиқлар фавқулодда вазиятлар чоғида ёнғин учирини автоуловларнинг воқеа жойига етиб боришига тўсқинлик қилади. Қолаверса, кўп қаватли уйлар ёнига ўрнатилган темир тўсиқлар, буталмаган дарахт шохлари ҳам ёнғинни учирини чоғида қийинчилик туғдириши табиий. Шу сабабли ҳам маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда фуқароларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш билан бирга ёнғинни учирини тўсқинлик қилувчи барча ҳолатларни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

**Н. КЕНЖАБОВЕВ,
12-ҲҲҲО ходими**



ЗАМОНАВИЙ СПОРТ-СОГЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ



«Шўртангазкимё» мажмуасига қарашли «Геолог» спорт-соғломлаштириш маркази Қарши шаҳридаги йирик спорт иншоотларидан бири. Унинг таркибида замонавий футбол майдони, минифутбол, тренажер заллари, ёпиқ бассейн ва спорт секциялари қатнашчилари индивидуал шуғулланиши учун алоҳида заллар бор.

2007 йили ишга туширилган ушбу марказ бугунги кунда спортчилар ва жисмоний чиниқиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлашни истаган турли ёшдаги аҳолининг сеvimли масканига айланган. Мамлакатимизнинг энг kuchli аёллар футбол жамоаси — «Sevinch» қизлари ҳам шу ерда машгʻулот ўтказди.

Суратларда: «Геолог» спорт-соғломлаштириш маркази фаолиятдан лавҳалар.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (Ўза)
олган суратлар.



<p>Ma’rifat</p> <p>TA’SIS ETUVCHILAR: O‘zbekiston Xalq ta’limi vazirligi, O‘zbekiston Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi, O‘zbekiston Ta’lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay’ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas’ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o‘rinbosari), Ulug‘bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o‘rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas’ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa’dulla HAKIMOV.</p>	<p>Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro‘yxatga olingan.</p> <p>INDEKS: 149, 150. G-222. Tiraj 51584.</p> <p>Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog‘oz bichimi A-3.</p> <p>Navbatchi muharrir: Sanjar RUSTAMOV. Navbatchi: Sherali NAMOZOV.</p>	<p>«Ma’rifat»dan materiallarni ko‘chirib boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi. Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.</p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32. E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas’ul kotib—233-99-15, umumiy o‘rta va maktabgacha ta’lim yangiliklari bo‘limi — 236-53-16, fan, oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi yangiliklari bo‘limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo‘limi — 236-54-69, ma’naviyat va maktabdan tashqari ta’lim yangiliklari bo‘limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo‘limi — 236-55-58, reklama va marketing bo‘limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.</p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi. Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 21.30 Ўза ақуми — 21.00</p>
--	---	---	---	---